

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.1**

ЮСУПОВ ФИРУЗЖОН МАМАЛАТИФОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5А230601-«Давлат молиясини бошқариш»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц. Ш.Жалилов**

ТОШКЕНТ-2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	2
I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ФУҚАРО- ЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ТУТГАН ЎРНИ....	9
1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда кадрлар салоҳиятининг тутган ўрни.....	9
1.2 Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг аҳамияти ва зарурияти.....	16
1.3 Олий таълими муассасалари фаолиятини молиялаштиришнинг хориж тажрибаси.....	27
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ХАРАЖАТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯ- ЛАШТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ.....	40
2.1. Ўзбекистон таълим тизими ва олий таълим муассасалари харажатларини режалаштиришнинг ҳозирги ҳолати.....	40
2.2. Олий таълим муассасаларини молиялаштириш таҳлили.....	48
2.3. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастури натижалари ва иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссаси.....	62
III БОБ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИ- РИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	71
3.1. Олий таълим муассасаларини харажатларини режалаштириш ва молиялаштиришдаги мавжуд муаммолар.....	71
3.2. Олий таълим харажатларини режалаштириш тартибини такомиллаштириш йўллари	77
ХУЛОСА.....	83
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	88

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Илмий асосланган фикр-мулоҳазаларга асосланиб, олий таълим муассасалари фаолиятига оид ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ва уларнинг харажатларини молиялаштириш ҳамда тўловларини амалга ошириш мавзуси мазкур диссертациянинг чуқур илмий тадқиқ этиш имкониятини яратади.

Ривожланган мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам юксак малакали кадрлар тайёрлаш бу, авваламбор ишлаб чиқаришни ривожлантириш, келажакда иш ўринларининг яратилиши, янгидан янги технологиялар олиб кирилиши, умуман олганда шу мамлакатнинг гуллаб яшнаши учун замин яратилиши деб қаралади.

Айни пайтда таълим тизимининг олий таълим турини амалга оширувчи олий таълим муассасаси мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, иқтисодиётнинг реал тармоқлари учун юқори малакали мутахассис-кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасидаги бозор ислохотларининг ўзига хос жиҳати уларнинг инсон тараққиётига қаратилганлигидир. Ҳозирги шароитдаги таълим мажмуини, кадрлар тайёрлаш кўп даражали тизимини ривожлантириш, бу борада янги концепцияни руёбга чиқаришга, иқтисодиётда зарур силжишларни амалга оширишга, жумладан, асосий ишлаб чиқарувчи куч - инсоннинг иқтисодиётдаги ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришларга доимий мослашувини таъминлашга имкон беради. Айниқса, бу ислохотларнинг натижалари бевосита таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг салоҳиятига боғлиқдир.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб сифатли кадрлар тайёрлашга асосланган ва жаҳондаги илғор давлатлар таълими тараққиёти тажрибаларига таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ҳисобот йилида таълим соҳасини ривожлантириш

бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида гапирар эканмиз, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимгача бўлган бўғинларда чуқур билим ва пухта касб-ҳунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишлари изчил давом эттирилганини таъкидламоқчиман»¹, чунки ёш авлодга таълим - тарбия бериш уларни етук кадрлар қилиб таёрлаш учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Шу билан бир қаторда диссертация ишининг долзарблиги қуйидаги муҳим жиҳатларда ўз ифодасини топади:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Шу маънода, оила институтининг таълим-тарбия соҳаси билан — бу болалар боғчаси ёки мактаб бўладими, лицей-коллежлар ёки олий ўқув юртлари бўладими — ана шундай муассасалар билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш вазифалари дастурда муҳим жой эгаллаши зарур”².

Шундай экан, мамлакатнинг истиқболдаги тараққиётини ҳисобга олиб, юксак маънавий-маърифий сифатларга, мустақил фикрлаш қобилиятига ҳамда жамиятнинг илмий-техникавий, ижтимоий иқтисодий ва маданий ривожини таъминлашга қодир баркамол авлод, юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш борасида олий таълим муассасалари зиммасига катта масъулият юкланади.

Айни пайтда, миллий иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида олий таълим муассасаларни янада ривожлантиришнинг зарурлиги, бу соҳани молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш муаммоларини янада илмий жиҳатдан чуқурроқ ўрганиш ҳамда олий таълимга ажратилаётган маблағларнинг фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари излаш диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси 13-бет.

² Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 18-бет.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида Ўзбекистон Республикасида давлат маблағларини қайта тақсимлаш асосида таълимни, жумладан, олий таълимни маблағлар билан таъминлаш йўллари кўрсатиб ўтилган.

Таълимни молиялаштиришни ривожлантириш шу билан бирга олий таълимни ривожлантиришнинг фундаментал ва амалий жиҳатлари хорижлик олимлари, иқтисодчилари ва мутахассисларидан Дробозина А, Собанти М, Поляк П, Родионова М, В.М.Рутгайзер, В.В.Запольская, В.А. Носков, Г.П.Сергеев, Д.И.Правдин, Е.И.Капустин, И.С.Шаршов, Л.С.Чижов, Р.И.Капелюшниковлар илмий асарларида тадқиқ этилган.³

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизимининг ҳолати ва унинг ривожланишининг айрим жиҳатлари Г.Ахунова, Х.Г.Алимджанов, А.Вахабов, Э.Имамов, Б.Д.Кальметов, М.Х.Саидов, А.С.Қўчқаров, Э.А.Сейтхалилов, Ш.Қурбонов, Г.А.Қосимов, Д.Х.Набиев, Р.М.Усмонова, А.О.Эралиев, А.Х.Эшбаевларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган.⁴

Аммо, таълим тизимини ҳозирги замон тараққиётининг ҳолати,

³ Запольская В.В. Непроизводственная сфера в СССР/В.В.Запольская – Воронеж: ВГУ, 1996.-50-55б.; КапустинЕ.И. Сфера обслуживания при социализме/Е.И.Капустин- М.: «Мысль», 1968.-203б.; Капелюшников Р.И. Российский рынок труда: адаптация без реструктуризации/-М.:ГУВШЭ,2001.-78-82б.; Рутгайзер В.М.Ресурсы развития непроизводственной сферы/В.М.Рутгайзер-М., «Мысль»,1975-229б.; ПравдинД.И. Развитие непроизводственной сферы при социализме/-М., «Экономика»,1976-158б.; Л.С.,Сергеева Г.П. Трудовой потенциал страны/-М.,1982.-.30б.;Чижова., ШаршовИ.С. Воспроизводство трудовых ресурсов при социализме/- Воронеж:ВГУ,1986.-.61б.; Носков В.А. Высшая школа в системе общественного воспроизводства. Автореферат. Дис. на соис уч. степ.д.э.н. Кострома – 2003. 38б.

⁴ Ахунова Г.Н. Таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва уни такомиллаштириш: И.ф.д.илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати -Т.: 2004. 45б.; А. Вахабов, Э. Имамов Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации. М. 2007. 214б.; Алимджанов Х.Г. Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва уни молиявий жиҳатдан таъминлаш масалалари: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган ...дис. автореферати -Т.:, 2004. 23 б.; Кальметов Б.Д. Образовательный комплекс в рыночной экономике.- Тошкент: Адолат, 2003. 499б.; Касимова Г. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсатининг роли:И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати.-Т.: 2001-25б.; Кучаров А.С. Тадбиркорлик соҳаси учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашда бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини такомиллаштириш-И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати.-Т.: 2006.- 40б.; НабиевД.Х. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари (Ўзбекистон ўрта-махсус, касб- хунар тизими мисолида) И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати.-Т, 2005.- 24б.; Саидов М.Х. Экономика, инвестиции и маркетинг высшего образования.-Т. Молия, 2002. 332б.; Қурбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Национальная модел и программа по подготовке кадров – достижение и результат независимости Узбекистана. – Т.: Маърифат – мадақкор. 2003.656б.; Усмонова Р.М. Таълим хизматлари бозорида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш (олий таълим мисолида) И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати.- Т.: 2011. 25б.; Эралиев А.О. Таълим тизимининг иқтисодий бошқарув асосларини

олий таълимга молиявий ресурсларни жалб этиш хусусиятлари, шу соҳаларни молиялаштириш услублари ва шакллари, олий таълим муассасаларининг молиявий фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ҳозирги ўтиш даврида янада чуқурроқ ўрганиш зарурияти диссертация мавзусини танлашга сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон қарори бу борада яна бир муҳим кадам бўлди. Ушбу қарор билан 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур тасдиқланди.

Юқоридаги қайд этилган илмий ишларнинг аксарият қисмларида олий таълим тизимини ривожлантиришга бағишланган.

Шуни таъкидлаш зарурки, бундан 15 йил олдин қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг биз танлаган “ўзбек модели” – ўз тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Диссертация ишининг мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг мақсади - Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантириш учун ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиш ва шу соҳани молиялаштиришнинг янги манбаларини кўрсатиб ўтишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, илмий изланишда қуйидаги вазифалар белгиланган:

- таълим тизимини молиявий таъминлаш бўйича республикамизда олиб борилаётган молия-бюджет сиёсатининг мазмуни ва мақсадини очиб бериш;

- олий таълим тизимини молиялаштиришнинг назарий асосларини ўрганиш;

- ривожланган давлатларнинг олий таълими тизимидаги илғор тажрибаларини ўрганиш ва республикамиз амалиётига татбиқ этишнинг хусусиятларини кўрсатиб бериш;

- олий таълим муассасаларини молиялаштириш механизминини кўриб чиқиш;

- олий таълимга сарфланаётган маблағларни амалдаги мавжуд режалаштириш ва молиялаштириш таҳлилларига асосан бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш.

Олий таълим муассасалари молиявий таъминотинини мустаҳкамлаш муаммоларининг муваффақиятли ҳал этишда энг аввало ҳисобга олиниши лозим бўлган ҳолатларнинг биринчиси маълум бир даврда шу муассасалар тараққиётининг асосий натижалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари бўлса, бизнинг фикримизча, унинг иккинчиси сифатида олий таълим муассасалари молиявий таъминотининг мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари ва хориж тажрибаси эътироф этилмоғи лозим. Чунки ҳозирги шароитда масаланинг ана шу икки жиҳатига, яъни олий таълим муассасалари молиявий таъминотининг мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари ва хориж илғор тажрибасининг чуқур ўрганмасдан туриб, юқоридаги муаммони муваффақиятли ҳал қилиш мураккаблигича қолаверади.

Диссертация ишининг предмети. Ўзбекистон Республикасидаги олий таълими муассасаларининг молиявий таъминоти ва уларни молиялаштириш механизми ҳисобланади.

Диссертация ишининг объекти. Ўзбекистон Республикасидаги

олий таълим муассасаларининг эҳтиёжлари учун бюджетдан ва бюджетдан ташқари манбалардан ажратилаётган молиявий ресурслар ҳисобланади.

Диссертация ишининг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос стратегияси, тамойил ва устиворлари, хорижий ва ватанимиз олимларининг таълим соҳасидаги илмий ишлари диссертация ишининг назарий ва услубий асоси ҳисобланади.

Диссертацияни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Қонунларидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва Статистика Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги меъёрий ҳужжатлари, кўрсатмалари, буйруқлари, тартиблари ва ҳисоботларидан манба сифатида фойдаланилди.

Диссертация ишида статистик-математик, қиёсий, объектив таҳлил усули ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация мазмуни 95 саҳифадан иборат бўлиб, унда 11 та диаграммалар, 16 жадваллардан иборат.

Диссертация ишнинг амалий аҳамияти. Диссертация ишининг асосий хулоса ва таклифларидан олий таълим муассасаларини харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш, уларга ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш, талабаларнинг ўқишга қизишини рағбатлантириш, улар ўртасида рақобат муҳитини шакллантиришда шунингдек диссертация ишининг маълумотларидан олий ўқув юртларида фойдаланиш мумкин.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ТУТГАН ЎРНИ

1.1. Иқтисодий модернизациялаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда кадрлар салоҳиятининг тутган ўрни

Ривожланишнинг ҳозирги даврида, бандлик таркибининг ўзгариши, бунинг натижасида ишлаб чиқаришда ақлий меҳнатнинг аҳамияти ортиши, паст малакали кадрларга бўлган талабнинг камайиб боришидек бир даврда иқтисодий ўсишни таъминлаб берувчи кўшимча манбалар излаб топиш масаласи долзарб бўлиб бормоқда. Худди шундай манбалардан бири бўлиб аҳолини билим даражаси хизмат қилади. Кўпгина диссертациячилар томонидан олиб боришган илмий ишлар натижаси ўлароқ таълим соҳаси бевосита ва билвосита таъсир этиш хусусиятига эга. Ушбу таъсир бир вақтни ўзида ҳам пуллик кўринишда ҳам пулсиз кўринишда бўлиши мумкин.

Пулсиз кўринишдаги таъсир ўз навбатида ҳар хил кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, аҳолини ижтимоий маънавий ўсиш даражаси, жамиятни демократлаштириш жараёнида активлигини ортиши, ҳамда маҳаллий ва ҳалқаро миқёсдаги жараёнларга кенг қамровли кўшилиши кўринишида бўлиши мумкин.

Олиб борилган диссертациялар шуни кўрсатдики, аҳолини олий таълим олиши ва уларни жамият ҳаётидаги роли ва ижтимоий аҳамиятга эга ишларга қатнашиш даражаси орасида аниқ бир боғлиқлиги борлиги аниқланди. Аммо, шу билан бирга олий маълумотнинг ижтимоий ва маданий фойдаси нафақат ижтимоий ҳолатни яхшиланишига олиб келади, балки тўғридан тўғри иқтисодий самарага ҳам олиб келади.

Олий маълумотнинг ижтимоий роли ва унинг иқтисодий ўсишга кўшган ҳиссасини ўрганиш шуни кўрсатяптики, иқтисодий ўсиш ўз навбатида меҳнат ва капитал ресурсларидан фойдаланиш ҳажмларини

кенгайтириш, ҳамда технологиялар ва таълим соҳасини такомиллаштириш орқали уларни сифатини ошириш имкониятини яратади. Шунинг учун ҳам сўнгги пайтларда инсон капиталини ўрганишга қаратилган диссертациялар сони ва сифати ошиб бориши кузатилмоқда. Инсон капиталини ошириш ўз навбатида иқтисодий ўсишга тўғридан тўғри таъсири яққол кўриниб бормоқда.

Инсон капиталини ўрганиш назариясининг асл моҳияти шундан иборатки, таълим ва соғлиқни сақлашга йўналтирилаётган маблағлар худди ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига йўналтирилган маблағлар моддий капитални яратгандек, булар ҳам инсон капиталини яратади. Инсон капиталининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уни инсондан ажратиб бўлмайди. Инсон капиталига йўналтирилган сармоялар – бу унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келишига таъсир кўрсатувчи харажатлардир. Бунинг натижасида, таълимга йўналтирилаётган сармоялар инсон капиталига йўналтирилаётган сармоя сифатида қаралади.

Инсон капитали мамлакат бойлигининг асосий қисми сифатида қарала бошланди. Жаҳон банки экспертлари томонидан мамлакатнинг миллий бойлигини эксперимент тарзида моддий баҳолаш ҳаракати амалга оширилди. Диссертациялар натижаси шуни кўрсатдики, миллий бойлик таркибида инсон капитали катта улушга эга ва унинг умумий баҳосини 2/3 қисмини ташкил қилади. Ушбу ҳисоб-китоблар натижасида шундай хулосага келиндики, қайта ишлаб чиқаришнинг асосий омили моддий бойлик йиғиш эмас, балки билим ва кўникмаларни ошириш ҳисобланади.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирда иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир кўрсатувчи омиллар қуйидагилардир:

- илм-фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларини ўсиш суръатлари ва ҳажмлари;
- ҳар бир босқичдаги ишчиларни билим ва тайёргарлик даражаси;
- илмий-техникавий меҳнат воситаларини ривожланиш даражаси.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, инновацион лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштиришга қаратилган барча ҳаракатлар, ушбу йўналишга йўналтирилаётган сармоялар ҳажми ва сифати иқтисодий ўсишни таъминловчи омиллар ҳисобланади.

Таълим орқали иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир кўрсатишнинг асосий омилидан бири бўлиб илмий изланишлар ва диссертациялар ҳисобланади.

Олий таълим тизими ўз навбатида олим кадрлар тайёрлаш билан шуғулланишини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу тизим билим ва инновацияларнинг янги авлодини ташкил этилишда муҳим аҳамият касб этади. Оқибатда ушбу ҳол меҳнат унумдорлигини ўсишига таъсир кўрсатади. Бундай боғлиқлик кенг ўрганилган ва кўпгина диссертациялар натижалари билан ўз тасдиғини топган.

Масалан, АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларнинг иқтисодий ўсишига технологик ўзгаришларнинг таъсири миллий ишлаб чиқаришнинг ўсиш даражасини 20-40% гача қисмини ташкил этиши аниқланган. Бу, таълим, хусусан олий таълим илмий диссертация ишларини ривожланишига ўзининг катта таъсирини кўрсатади.

1.1.1-Жадвал

Технологияларнинг янги тармоқлар шаклланишига таъсири⁵

Давр	Ишлаб чиқилган технология	Технология ишлаб чиқилган университет	янги технология асосида шаклланган тармоқ
1940-йиллар	Электрон калькулятор	Пенсильвания Университети	Компьютерлар ишлаб чиқариш
1960-йиллар	Оптик волокна	Массачусетс технологик институти	Телекоммуникация
1970-йиллар	ДНК ни вегетатив ўстириш (клонлаштириш)	Стенфорд университет	Биотехнология
1980-йиллар	Суперкомпьютерлар	Иллинойс Университети	Интернет

Илмий диссертациялар салоҳиятини ўсиш даражаси бўйича бошқа давлатлардан тезроқ суръатларга эга мамлакатлар қолганларга нисбатан узоқ муддатга рақобатбардошлик даражаси бўйича олдинга ўтиб кетади.

⁵ Адабиётлардаги ғояларга таянган ҳолда магистрант томонидан тайёрланган

XIX асрнинг иккинчи қисмида шаклланган янги тармоқлар университетларда амалга оширилган йирик илмий янгиликлар натижасида шаклланган. Буни қуйидаги 1.1.1-жадвалда яққол кўриш мумкин.

Ғарб мамлакатлари иқтисодиёти таркиби инсон капиталига асосланган тармоқларнинг аҳамияти ортиши, казиб олувчи ва қайта ишловчи тармоқларнинг улушини камайиши ҳисобига жиддий ўзгаришларга дуч келди.

Худди шундай йўналишга жаҳон иқтисодиётининг глобализацион жараёнлари ҳам эга. Унда рақобатбардошликнинг асосий инструменти сифатида инновациялар, фикрлар, уддабуронлик ва билимлар хизмат қила бошлади. Билимлар асосини сақлаб қолиш ва ривожлантириш фақатгина меҳнат ресурсларини юқори даражаси ва уларни яхши касбий маҳорати эвазига эришиш мумкин. Бу ўз навбатида иқтисодиётнинг ушбу тармоғига доимий равишда сармояларни йўналтириш билан чамбарчас боғлиқ.

Илм-фан, таълим соҳалари, ишчи кучларини касбий маҳоратларини ривожлантиришга йўналтирилган сармояларни амалга оширишда ушбу харажат турининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Биринчидан, таълимга йўналтирилаётган сармоялар ҳар бир индивиднинг нафақат маънавий салоҳияти, маҳорати, ижтимоий мавқеини оширишга имкон беради, балки бутун жамиятнинг умумий интеллектуал – руҳий салоҳиятини қайта такомиллаштиришга ўз таъсирини кўрсатади.

Иккинчидан, бундай харажатлар бир вақтнинг ўзида амалга оширилса ҳам, улар ўзини оқлаши учун эса бир неча ишлаб чиқариш циклларида ўтиши талаб этилади. Ушбу давр муддати ишлаб чиқаришни инновацион янгиланиши натижасида ишчини қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёж туғилгунича давом этади. Бунинг натижасида таълимга йўналтирилаётган сармоялар асосий капиталга йўналтирилаётган сармоялар кўринишига эга бўла бошлайди. Бунинг натижасини қуйидаги мисол билан кўриш мумкин. Бир вақт оралиғида ишлаб чиқарилаётган

маҳсулотлар ҳажми маҳоратлироқ ва билимлироқ ишчи ходим томонидан унга нисбатан камроқ тайёргарликга эга ходимга нисбатан кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

Учинчидан, таълимга амалга оширилган сармояларни ўзини қоплаш муддати тегишли фан ва техника соҳасида олинган касбий билимларни маънавий жиҳатдан эскириши муддати билан мос келиши керак. Ушбу муддатни кўпайиши ёки камайиши маҳсулот тан нархини ошишига ёки ишчини касбий маҳоратини оширишни кечикишига олиб келади.

Тўртинчидан, таълим жараёни доимий равишда янгиланиб боровчи билимлар тизимига эга бўлиши керак. Бу ўз навбатида янада юқорироқ малакавий даражадаги ишчи кучларини тайёрлаш имкониятини яратади.

Яна бир жабҳани алоҳида кўрсатиш мумкинки, таълим соҳасига йўналтирилаётган сармоялар – бу нафақат янги ва мавжуд таълим объектларини қуриш ва реконструкция қилиш демакдир, балки шу билан бирга доимий равишда уларни моддий-техник базасини янгилаш, ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим технологияларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнини доимий равишда бошқариб туришга йўналтирилган маблағларни ҳам тушуниш лозим.

Шунинг билан инсон капиталини яхшилашга йўналтирилаётган сармоялар тўғридан тўғри иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатади. Сўнгги йилларда таълимга йўналтирилган сармоялар ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги, хусусан ушбу боғлиқликнинг асосий қисми бўлмиш олий таълимга йўналтирилаётган харажатлари муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида кўпгина диссертациялар амалга оширилган.

Ўзбекистонда инсон капиталидан фойдаланишни самарали ташкил қилиш мақсадида Президентимиз томонидан 1997 йил Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини амалга жорий этиш бошланди.

Ушбу Дастурни инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларини 4 асосий босқичга ажратиш мумкин:

1-босқич — 1991–1997 йиллар — тайёргарлик босқичи — бу даврда таълим тизимининг асосий муаммолари ва зиддиятлари, жамиятда иқтисодий ва сиёсий туб ўзгаришларга мос келмаслиги ўрганилди ҳамда аниқланди;

2-босқич — 1997–2001 йиллар— кадрлар тайёрлаш бўйича янги миллий сиёсатни шакллантиришнинг дастлабки босқичи;

3-босқич— 2001–2005 йиллар— узлуксиз таълим тизимини кенг кўламли ислоҳ қилишнинг фаол босқичи;

4-босқич— 2005 йилдан сўнг— узлуксиз ва изчил таълим тизимини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш даври.

Миллий Дастурга асосан олий таълим муассасаларида ўқиш давлат грантлари ва тўлов-шартнома асосида амалга оширилади. Олий таълим икки босқич — бакалаврият ва магистратурадан иборат.

Бакалаврият — тайёргарлик йўналиши бўйича пухта ва амалий билим берадиган 4 йиллик базавий олий таълим. Битирувчиларга бакалаврият дастурини тамомлагач, давлат аттестация натижаларига кўра тайёргарлик йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси ва давлатнинг намунавий нусхадаги диплом берилади.

Магистратура — муайян мутахассислик бўйича пухта ва амалий билим берадиган олий таълим. Унга фақат бакалаврият даражасига эга бўлганлар танлов асосида қабул қилинади ва икки йил ўқийди. Битирувчиларга магистратура дастурини тамомлагач, давлат аттестация натижаларига кўра тайёргарлик йўналишининг муайян мутахассислиги бўйича «магистр» даражаси ва давлатнинг намунавий нусхадаги диплом берилади. Давлатнинг намунавий нусхадаги бакалавр ва магистр дипломи уларнинг эгаларига тайёргарлик йўналишига мувофиқ касбий фаолият билан шуғулланиш ёки кейинги босқичдаги таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий тоифали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш,

шахсининг ижодий, таълим олиш ва касбий манфаатларини қондиришга қаратилган.

Ўқишни тугатиб, диплом олгандан кейин ўқишни ривожланган хорижий мамлакатлардаги сингари магистратура ва доктарантурада давом эттириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилган.

Ҳозирги кунда таълим тизимининг олий таълим турини амалга оширувчи олий таълим муассасаси мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, иқтисодиётнинг реал тармоқлари учун юқори малакали мутахассис-кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этамоқда.

Ҳозирги кунда республикада олий таълими тизимида (баъзи ОТМлари филиалларини ҳисобга олмаганда) 66 олий таълим муассасаси, жумладан 19 университет, 37 институт, 4 академия, бундан ташқари Тошкент шаҳрида Вестминстр университетининг филиали, Г.Плеханов номли Россия иқтисодиёт университетининг филиали, М.Ломоносов номли Москва Давлат университети филиали, Губкина номли Россия нефть ва газ университети, Сингапур менежмент ривожланиши институт филиали ва Турин политехника университети филиаллари фаолият юритмоқда. Олий таълим муассасаларининг филлалари сони 13 тани ташкил қилиб, турли олий ўқув юртлари филиаллари билан бирга республикада олий таълим муассасалари сони 77 тага етади. Бу кўплаб мактаблар ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг олий маълумотга эга бўлиши имкониятини янада кенгайтиради. Ушбу олий таълим муассасалари сони 1995 йилга нисбатан 12,2 фоизга ўсган.⁶

⁶ “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, март, 2012 йил 2-бет.

Олиб борилган диссертациялар натижасида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Аҳоли қанчалик кўп таълим олишга вақт ажратса ушбу мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатлари шунчалик юқори бўлади.

2. Олий таълим тез суръатлар билан ўсган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари ҳам юқори бўлгани кузатилган.

3. Таълимнинг ишлаб чиқариш омили сифатида таъсири унинг меҳнат унумдорлигига таъсири билан тушунтирилади.

4. Таълим шу билан бирга жисмоний капитални ривожланишига ўзининг таъсирини кўрсатади ва бу ҳам иқтисодий ўсишга таъсир этади.

Юқоридагиларни барчаси, инсон капиталига йўналтирилаётган сармоялар иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Таълим соҳасини иқтисодиётни модернизация қилишдаги роли ва аҳамияти ҳам ортиб бораётгани ҳақида мамлакатимиз раҳбари томонидан ҳам алоҳида қайд этилиб, ушбу соҳани ривожлантиришга эътибор қаратилиб келинмоқда. Юқорида кўрсатиб кетилган, 1997 йилдан бери амалга оширилиб келинаётган узоқ муддатга мўлжалланган кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури бунга яққол мисол бўла олади. Аҳолининг ҳозирги демографик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, яъни аҳолининг умумий сонинда ёшларнинг улушини юқорилигини инобатга олган ҳолда, таълимга йўналтирилаётган харажатлар ўзининг ижобий натижасини ҳозирнинг ўзидаёқ бермоқда ва бундай кейин ҳам унинг натижаси сезиларли даражага кўтарилиб боради.

1.2 Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг аҳамияти ва зарурияти

Таълим соҳасини ривожланиш даражаси мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқдир. Ривожланган давлатлар учун эса олий таълим соҳасини ривожлантириш масалалари жуда муҳим ҳисобланади. Юқорида шуни аниқландики, таълимга йўналтирилаётган харажатлар

жисмоний капитални ривожланишига ўзини таъсирини кўрсатган ҳолда мамлакатнинг ўз технологик ривожланиши ҳамда бошқа давлатлар томонидан ишлаб чиқилган технологияларни тез илғаб олиш имкониятини яратиб бериш каби билвосита таъсирини ҳам кўрсатади. Яна шуни таъкидлаш мумкинки, иқтисодий ўсишни таъминлаш учун таълимнинг тури, сифати ва самарадорлиги каби барча жабҳалари таъсир кўрсатади. Яна шуни таъкидлаш лозимки таълим босқичларига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми нафақат тўғридан тўғри иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир кўрсатади балки ривожланиш учун зарур бўладиган таълим салоҳиятини шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади.

Таълимнинг нафақат бевосита, балки шу билан бирга билвосита (ташқи) таъсирлар ҳам шаклланиб боради, чунки бир индивид томонидан олинаётган билим атрофидаги бошқа инсонларга, соноат тармоқларига, шаҳарларга, туман ва қишлоқларга ва умуман мамлакатга тарқалиши каби таъсирларини ҳам кўриш мумкин. Макро миқёсда таълимдан шаклланадиган ижтимоий таъсир, хусусий ҳолатга нисбатан фарқли ўлароқ, ўзининг ҳажмлари билан ва ўз навбатида шунга яраша таъсири билан ҳам таълим соҳасини давлат томонидан қўллаб қувватланишига асос бўла олади. Таълимнинг ижтимоий таъсири қанчалик юқори бўлса, шунчалик таълимга йўналтирилаётган давлат харажатларини самарадорлик даражаси юқори бўлади.

“Янги” иқтисодиёт моделида махсус эндоген таъсир этувчи омиллар алоҳида, ушбу модел ичида кўрсатилади. Бу ўз навбатида таълимни қандай қилиб иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир кўрсатиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Биринчидан, инсон капитали ишлаб чиқариш функциясига тўғридан-тўғри харажатлар фактори сифатида қўшилади. Жумладан, инсон капитали учун ўзининг экстернал, яъни билвосита таъсир кўрсата олиш имконияти ҳисобга олинади. Чунки ишлаб чиқариш ҳажмларига доимий равишда таъсир кўрсатиши каби тахминдан олиб ташланади.

Иккинчидан, эндоген ўсишга таъсир кўрсатувчи (асосан технологик ўзгаришлардаги хусусиятлар) омиллар мамлакатдаги инсон капитали захиралари билан кўрсатилади. Бундай боғлиқликни табиий ҳолда тахмин қилиш мумкин, чунки инсон капитали ё тўғридан тўғри янги билим ва технологиялар яратади, ёки у янги билим ва технологияларни яратувчи диссертация секторининг асосий аҳамият касб этувчи инструменти ҳисобланади.

Кўпгина ўтиш иқтисодиётига эга, ёки ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида инсон капиталини индивидуал даражада иш ҳақиға таъсири яққол кўриниб туради. Бу ҳол таъсири ҳақида В. Гимпельсон ва А. Лукьянова, ҳамда Т. Горбачева ва Р. Капелюшников илмий изланишларида кўриш мумкин. Билим даражаси, меҳнат стажи, ёши ва касбий даражасидан келиб чиққан ҳолда иш ҳақини дифференцияланиш даражалари ўртасидаги боғлиқликни кўриб чиқилганда Минцер тенгламаси кенг қўлланишини кўриш мумкин. Умумий Минцер тенгламаси қуйидагича кўринишга эга:

$$\ln wage_i = \alpha + \beta_1 S_i + \beta_2 Experience_i + \beta_3 Experience_i^2 + \beta_4 TEN_i + \beta_5 TEN_i^2 + \varepsilon_i$$

Ушбу тенглама асосида олиб борилган диссертациялар шуни кўрсатадики, умумий олий таълимдан олинган таъсир даражаси 82%ни ташкил этди, яъни ҳар бир таълим йили учун ўртача 16% дан тўғри келади. Бунинг иқтисодий маъноси шундан иборатки, олий таълим олган инсоннинг иш ҳақиси ҳар бир йил билим олгани учун ўртача олий таълим олмаган инсон иш ҳақисига нисбатан 16%га юқорироқ бўлиши кузатилган. Диссертациячилар шу билан бирга умумий ўрта таълим олганлар иш ҳақиси ўртасидаги боғлиқликни ҳам ҳисоблаб топа олишган.

Ҳақиқатдан ҳам, мантиқий ўйлаб қаралганда мамлакатлар бўйича ўрта таълим олиш даражаси ва истеъмол ўртасида боғлиқлик бўлиши керак деган тахмин ўзини оқлайди. Бундай боғлиқликни аниқлаш мақсадида кенгайтирилган неоклассик моделдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Яъни, Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясига йиғилиб

борувчи инсон капитали даражасини кўрсатувчи мустақил ўзгарувчини кўшимча қиламиз. Ушбу кўрсаткич иқтисодиётда банд аҳолини ўртача билим даражаси кўрсаткичи билан ифодалаймиз. Бунда инсон капиталини ишлаб чиқиш билан экспоненциал боғлиқлик берган ҳолда, жисмоний капитал ва меҳнатга қилинаётган харажатлар билан даражавий боғлиқликни сақлаб қоламиз. Бундай боғлиқлик шакли Р.Холл ва Ч.Джонс (1996 ва 1998) ва Ф. Каселли (2005) диссертацияларида ўз аксини топган. Маълумотларни аниқлийлик даражасини ошириш мақсадида бир неча мамлакат аҳолисининг ўртача даромадлар даражаси ва билим даражаси бўйича маълумотлардан фойдаланган ҳолда таълимдан олинаётган ижтимоий таъсир меъёрини ҳисоблаш имконини олиш учун фойдаланамиз.

Яъни, таҳлил учун Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси ва Минцер тенгламасининг комбинациясидан фойдаланилган ва у қуйидагича кўринишга эга:

$$Y_i = A K_i^\alpha L_i^\beta \exp \gamma h_i$$

Бу ерда:

A – умумий унумдорлик факторини кўрсатувчи коэффициент

K_i – жисмоний капитал захираси

L_i – иқтисодиётда банд аҳоли сони

h_i – бир бирлик банд аҳоли учун тўғри келадиган инсон капитали захираси. Ушбу кўрсаткич банд аҳолини таълимга сарфлаган ўртача йиллар билан ўлчанади.

Сўнгги 50 йиллик давр мобайнида олим ва иқтисодчиларни аҳоли даромади ва унинг билим даражаси ўртасидаги боғлиқлик қизиқтириб келмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бу муаммо нафақат олим ва иқтисодчиларни, ёки давлат бошқаруви органлари ходимларини бош қотиришига ундамоқда, балки иқтисодиётда барча банд аҳолини ҳам қизиқишига сазовор бўлмоқда. Инқироздан кейинги даврда бу муаммо

янада ўзининг долзарблигини кўрсатмоқда. Умумий ҳолда инсон капитали ҳақидаги назария асосчиси Г. Беккер шуни таъкидлайдики, билим даражаси ошган сари, ушбу инсон капитали эгасининг даромади ҳам ошиб боради деб таъкидлаган. Бу боғлиқлик, кўпинча олимлар томонидан мантиқий фикрлаш орқали исботланади.

Ушбу боғлиқликни ҳисоблаб кўриш мақсадида кўпгина олимлар уриниб кўришган. Хусусан, айрим олимлар диссертацияларида маълумотлар базаси сифатида нафақат давлат органлари статистик маълумотлари, балки ижтимоий сўровлар натижаларини ҳам асос қилиб олишган.

Қуйидаги диссертацияни амалга ошириш учун ҳар хил турдаги боғлиқликлар ажратиб олинган. Ушбу ажратишлар натижасида қуйидаги 4 гуруҳ вариантлар шаклланди:

- юқори билим даражаси ва юқори даромад;
- юқори билим даражаси ва паст даромадлар;
- паст билим даражаси ва юқори даромад;
- паст билим даражаси ва паст даромад.

Биринчи гуруҳ вакилларига ўрта махсус таълим даражасидан юқори бўлган билимга эга ва ўртача иш ҳақи даражасидан кўпроқ даромад олувчилар киритилган. Иккинчи гуруҳга худди шундай билимга эга ва ўртача ойлик иш ҳақидан паст даромад олувчилар киритилган. Худди шундай бошқа гуруҳлар ҳам шаклланган.

Аммо статистик кузатувлар ва илмий адабиётларни таҳлили бизга даромадлар даражасини билим даражасига боғлиқ эмаслиги сабабларини тушунтириш имконини беради.

Биринчидан, олинаётган даромадлар манбаи. Даромадларнинг 75%га яқини рента даромадлари ҳисобланади, яъни даромадлар асосан табиий бойликлардан фойдаланиш натижасида шаклланади. Қолган 20% фойда меъёрига тўғри келса, ва фақатгина 5% даромадлар меҳнат билан

боғлиқ⁷. Ҳақиқатан ҳам таҳлил қилинаётган давр мобайнида даромадларнинг ўртача миқдоридан юқорилиги асосан икки тармоқ вакиллари учун хос хусусиятдир:

1) Табиий ресурслар – табиий бойликлардан фойдаланиш, қайта ишловчи саноат, газ, сув ва электр энергия тақсимоти.

2) Кучмас мулк ва молиявий капитал - қурилиш, хизмат кўрсатиш, кўчмас мулк билан операциялар, молиявий соҳа.

Юқори билим талаб қилувчи таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, санъат соҳаларидаги ўртача иш ҳақи ҳудуд бўйича ўртача иш ҳақидан унча катта фарқ қилмайди ёки умуман паст.

Яна бир истесно соҳа сифатида давлат бошқаруви соҳаси ҳисобланади. Ушбу соҳа ходимлари ресурс соҳасига ҳам, фойда олувчи соҳага ҳам мос келишмайди. Улар давлат қармоғида бўлиб, уларнинг даромадлари доимий равишда оширилиб борилади.

Бунинг натижасида, шуни таъкидлаш мумкинки, олинган мисолда билим даражасининг аҳоли даромади билан боғлиқлик бутун иқтисодиёт тармоқлари бўйича кузатилмаяпти, балки айрим соҳаларгина юқоридаги гипотезага жавоб бера олмақда. Бошқача қилиб айтганда, даромадлар у ёки бу соҳага тааллуқли эканлиги каби омил жуда жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида иқтисодий оқиллик деган тушунча ҳақида гапириш имконини бермайди.

Бизнинг фикримизча, ушбу натижалар кўп жабҳада иқтисодиётнинг ҳозирги даврда ўтиш босқида эканлиги билан тушунтирилади.

Жаҳондаги сўнгги жараёнларни ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, тадбиркор (раҳбарлик қила олиш қобилиятига эга) инсонлар ва ёлланиб ишлашга лаёқатли инсонлар ўртасидаги нисбат 1 га 19 ни ташкил этади. Яъни, бир тадбиркорликга мойил инсонга 19 та ишчи ходим тўғри келади. Ҳақиқатда эса, самарасиз фаолият кўрсатаётган

⁷ Сергеев И., Кирсанова Н., Кирсанова И. Социальная сфера: приоритеты регулирования // Экономист. – 2007. – №1. – 49б.

ташкilotлар, тадбиркорлик фаолиятига ҳалақит берувчи бюрократик тўсиқларни ҳисобга оладиган бўлсак бу нисбат яна каттароқ кўринишга эга бўлади.

Иш берувчида ходимларни ишга қабул қилишда танлаш имкониятига эга. Бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосан, ҳамда ишчи кучини ишга қабул қилиш тамойилларига асосланган ҳолда иш берувчи ишчига бериладиган иш ҳақини ўзининг харажати сифатида кўради ва ўзининг жами харажатларини камайтириш мақсадида уни пасайтиришга ҳаракат қилади. Бу эса меҳнат бозорида таклифнинг талабга нисбатан ортиб кетишига олиб келади.

Ушбу шаклланган тизим иш берувчига сифат талабларига жавоб берувчи ишлаб чиқариш жараёни иштирокчисини танламаслик имкониятини беради. Бунинг натижасида иш берувчи паст иш ҳақига айтилган ишни амалга оширувчи ишчини ёллашга имкон яралади. Олий маълумотли мутахассисларга унча баланд бўлмаган иш ҳақи тўлаш кўпгина ҳолларда кам малака талаб қиладиган, иқтисодиётда етишмаётган касбдагилар учун ойлик иш ҳақини ошишини ушлаб туришга олиб келинаётганини тушунтириши мумкин. Иш ҳақига солинадиган солиқларнинг ортиб бориши ўз навбатида иш берувчини иш ҳақини ошишига йўл қўймасликга янада туртки беради.

Бунинг яна бир салбий оқибати сифатида иш ҳақининг маълум қисмини “конверт”ларда тўланишига олиб келишини таъкидлаш мумкин ва бу ҳеч бир статистик маълумотларда ўз аксини топмайди. Ҳар хил кўринишдаги сўровномалар олиб бориш ҳам ноқонуний даромадларни қисман ҳисобга олса ҳам давлат органлари маълумотларидан унча катта фарқ қилмайди.

Иккинчидан, инсоннинг табиий фаоллиги ва мойиллиги. Кўпинча юқори коммуникатив хусусиятларга эга, ишни ташкил қила олишга мойил инсонлардан тадбиркорлар шаклланади. 2010 йилда олиб борилган диссертациялар натижалари шуни кўрсатдики айрим фаолият турлари

кўпгина ҳолларда хусусий тадбиркорлик фаолияти турида ўз аксини топган. Масалан, транспорт ва алоқа соҳасидаги юқори даромадлилик кўрсаткичга эга эканлиги ушбу соҳани катта қисми хусусий тадбиркорлар билан шаклланиши орқали тушунтирилади. Буларнинг ярмига яқини паст билим даражаси аммо юқори даромад олувчилар қатламга мос келади.

Бундай юқори асосланган натижаларга қарамай омадли тадбиркорлар улуши катта эмас ва бу натижалар меҳнат, бандлик ва аҳоли даромадлари иқтисодиётини тартибга солиш учун асос бўла олмайди.

Учинчидан, банд аҳоли таркиби. Ишчини ойлик иш ҳақиси ҳажми, статистик маълумотларга асосан шуни кўрсатадики, нафақат унинг билим даражасига боғлиқ бўлади, балки шу билан бирга унинг жинсий ва ёш бўйича тақсимоти ҳам боғлиқ.

Умуман олганда билим даражасининг ошиши билан ойлик иш ҳақисини ошиши ўртасидаги боғлиқликни кўриш мумкин. Лекин, шу билан бирга яққол назарий ўртача иш ҳақидан фарқланиш ҳам кузатилаётганини кўриш мумкин.

Статистик маълумотларни бир жойга жамлаш натижасида юқоридаги мезонларни ҳисобга олган ҳолда даромадларни билим даражасига мос келмаслигини тушунтириб бериш мумкин. Бир тарафдан, ўрта маълумотли ишчи назарий жиҳатдан ўртача иш ҳақидан кўпроқ ойлик олаётгани кўринади. Бошқа тарафдан эса, ўрта ёки тугалланмаган олий маълумотли аҳолининг иш ҳақиси назарий кўрсаткичдан ва ҳаттоки ўрта махсус маълумотга эга ишчиларнинг ойлигидан ҳам пастлиги кузатилади.

Буни қуйидагича тушунтириш мумкин. Ўрта махсус маълумотга эга инсонлар асосан 1960 ва 1980 йиллар бошларида таълим олишган. Табиийки ҳозирда ушбу ходимлар анча малакали ҳисобланишади ва паст маълумот билан юқори малакага эга. Бундан ташқари айрим ишчи мутахассиларнинг малакали вакиллари борган сари камайиб бормоқда, ваҳоланки ушбу мутахассиларга ҳали иқтисодиётда талаб етарли (токарь, слесарь, сварщик ва х.к.). Бу малакаси нисбатан паст бўлган, аммо

талимнинг юқори босқини тамомлаган ишчиларнинг ойликларини камлиги билан тушунтирилади.

Иккинчи фарқни қуйидагича тушунтириш мумкин. Тўлиқсиз олий маълумотга эга ишчилар одатда талабалар билан тасвирланган. Улар бир вақтни ўзидан ҳам ишлаб ҳам ўқийдилар. Бунинг натижасида улар тўлиқсиш иш фаолияти билан шуғулланишади ва иш берувчи мос равишда уларга энг кам ставка даражасида иш ҳақи тўлашади. Бу ҳолат одатда уларнинг диплом олгунича давом этади.

Бошқа муаллифлар томонидан жинсий фарқни ҳисобга олган ҳолда ҳосил бўлаётган фарқларни тушунтирадиган бўлсак яққол бир ҳолатга дуч келамиз⁸.

Тўртинчидан, айрим касб эгаларига талаб йўқлиги. Постиндустриал бозор иқтисодиётига ўтиш даврида олий маълумот олиш имкониятлари ва оловчилар сони нисбатан анча ошди. Бозор иқтисодиётида кўпгина хусусий корхоналарнинг ташкил этилиши оқибатида иқтисодчи, бухгалтер, ҳуқуқшунос, юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж ҳосил бўлди.

Технологиялар ва ишлаб чиқаришни автоматлашиш даражасини ўсиб бориши, меҳнат ресурсларини бўшаши билан янги хўжалик юритиш талабларга мос равишда кўпгина ишчиларга ўзининг малакасини ҳосил бўлган талаблардан келиб чиққан ҳолда янада юқорироқ даражага ошириш талаб қилинди. 1990 йиллар ўрталарида фуқароларнинг билим даражалари кескин равишда ўса бошлади. Бунинг натижасида оддий ишчилар сони камайиб, иқтисодиётда ушбу тоифадаги ишчи кучларига талаб ортиб борди. Бунинг аксида эса, юқори билим даражасига эга инсонлар сони ортиб, улар ўз билим даражасига мос равишда юқори маош олиш ниятида бўлганлар кўпайиб кетди.

Шунинг билан, иш кучи таклифи олий таълимга эга ресурслар билан тўлди ва шу билан бирга оддий ишлаб чиқариш мутахассисларига

⁸ Рощина Я.М. Дифференциация доходов и образования в России. –<http://vo.hse.ru/attachment.aspx?Id=276>

бўлган талаб қондирилмай қолди. Бозор инструментларини таъсири натижасида олий маълумотга эга инсонлар ўзи хоҳлаган юқори иш ҳақини ололмай қолишди, оддий ишчилар ойлик иш ҳақиси эса умумий иқтисодиётдаги ўртача ойликнинг пастлиги эвазига кўтарилмай қолаверди.

Бешинчидан, юқори билим олишга мотивация. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин. Ёлланма ишчи ўзининг билим даражасини ошириш натижасида инсон капиталининг қайта ишлашга имконият яратилиши билан боғлиқ тўлиқ кафилликга эга эмас. Аҳолида моддий тарафдан олий таълим олишга қизиқиш сўниб боради. Таълим олиш, ўз билим ва кўникмаларини тегишли даражада ушлаб туриш кўп маблағ ва вақт талаб этади. Бу харажатлар кўпгина ҳолларда ўзини оқламайди. Агар амалга оширилган харажатлар ойлик маошини ортиши билан қопланса ҳам бунинг учун жуда кўп ва узок давом этувчи жараёндан сўнггина эришиш мумкин.

Битирувчиларнинг тахминан ярми иш билан таъминланади, уларнинг яна ярмигина ўртача даражадан кам миқдорда ойлик маоши билан қаноатланишга мажбур бўлади. Бунинг натижасида иқтисодиётда шундай ҳолат кузатилиш мумкинки, бунда камбағал аҳоли қатламининг улуши камайиши билан даромадлар ўртасидаги номутаносиблик ортиб бораверади⁹.

Агар ишсизлар орасида олий таълимга эга инсонларнинг улуши ортиб бораверса, бунда иқтисодиётнинг техникавий инқилобга эришиш имкониятлари камайиб бораверади. Ваҳоланки, ишсизлар таркибини қараб чиқиладиган бўлсак, олий маълумотга эгалар сони 10% деб олсак, унда ўрта-махсус касбий билимга эгалар тахминан 25 фоизни, қолган қисми эса умумий ўрта таълимни битирганлар улушига тўғри келади. Бир томондан билим даражаси қанчалик паст бўлса, шунча иш топиш масаласи ҳам оғирлашиб боради. Бошқа тарафдан эса юқори билим олиш ҳар доим ҳам юқори даромад олиш билан ўз аксини топмайди, яъни юқори билим олиш

⁹ Российский статистический ежегодник 2010. – <http://www.gks.ru>

учун харажатлар амалга ошириш ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ эмасдек кўринади.

Бунинг натижасида инсон капиталини ривожлантиришга бўлган инсонларнинг ўзини қизиқиши пастлигини таъкидлаш мумкин. Айнан шундай ҳолларда, мамлакат ҳукумати томонидан инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган ҳар хил турдаги чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва керак бўлса унга катта маблағлар ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу орқали ҳукумат аҳолини билим даражасини пасайиб кетиши, бунинг натижасида иқтисодий ёни бир томонлама ривожланишини олдини олади ва тезкор технологик инқилобга эришиш учун пойдевор ҳозирлайди¹⁰. Ишчининг ҳаёлида фақат моддий манфаатдорлик ётади.

Умумий хулосага келадиган бўлсак, ҳозирги кунда инсонларнинг олий маълумот олишига асосий сабаб бу уларнинг юқорироқ маош берувчи ишга жойлашиш ҳисобланади. Ваҳоланки, олий таълим олиш бу нафақат маошни ошириш, балки инсонни комил, маънан ривожланган ва ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етишиш мақсадида бўлиши керак.

Юқорида келтирилган барча сабаблар ҳозирги куннинг муҳим вазибалари ҳисобланади ва бу муаммоларни ҳал этмаслик келажакда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Муаммонинг яна бир тарафи, биз таъкидлаб ўтган тўлов қобилиятининг пастлиги. Агар инсонда олий маълумот олгандан кейин юқори маошлик иш билан таъминланишга ишонч бўлса бу ўз навбатида олий таълим соҳасида ўзига хос рақобатни олиб келади. Яна шуни таъкидлаш керакки, аҳолининг ўртача даромади ошган сари уларнинг тўлов қобилияти ошади ва бу умуман иқтисодий ёнининг ўсишига омил бўлади.

Булардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда қабул қилинган ва жорий этилиши давом этаётган Кадрлар тайёрлаш

¹⁰ Чистяков Ю.Р. Формирование интеллектуального капитала в современной экономике России :дис. ... канд. экон. наук: 08.00.01 / Чистяков Юрий Ростиславович; [Место защиты: Воен. ун-т]. – Москва, 2007. – 65 – 70б.

миллий дастури ўз вақтида ва керакли жабҳаларни ислоҳ қилиш учун қабул қилинган.

1.3 Олий таълими муассасалари фаолиятини молиялаштиришнинг хориж тажрибаси

Хорижий мамлакатларда олий таълимни молиялаштиришнинг кенг тарқалган усуллари асосий мақсади олий таълим тизимига йўналтирилаётган харажатларнинг иқтисодий ва ижтимоий самарасини ошириш билан боғлиқ. Бунинг учун албатта хусусий секторни олий таълим харажатларини молиялаштиришга кенг жалб қилиш энг самарали ҳисобланади. Аммо шу ўринда шуни таъкидлаш керакки, хусусий секторни ушбу соҳага жалб қилишда давлат ва хусусий сектор улушларини аниқ белгилашдир. Бу савол кўпгина давлатлар учун ҳали ҳануз очиқлигича қолмоқда. Ўзбекистон мисолида қандай улушдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун албатта хориждаги бор тажрибани тубдан ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Давлатнинг олий таълим соҳасини молиялаштиришдаги ролини очиқ бериш мақсадида иқтисодий ривожланган бешта – Норвегия, АҚШ, Янги Зеландия, Япония ва Буюк Британия давлатлари мисоллари кўриб чиқилди. Ушбу мамлакатларнинг танланишидан мақсад, бу давлатлар давлатнинг олий таълим муассасаларини молиялаштиришдаги оптимал улушини топиш йўлида кўпгина ишлар амалга оширилган. Бу тажриба Ўзбекистон мисолида олий таълимни молиялаштиришда хусусий секторни жалб қилиш билан боғлиқ диссертацияларга ўз фойдасини келтириши мумкин. Диссертациядан асосий мақсад таълим тизимини молиялаштириш тамойилларини аниқлаш, давлат ва жалб қилинган маблағларнинг макро ва микро даражадаги улуши динамикасини ўрганишдир.

Давлатнинг таълим соҳасини молиялаштиришда қатнашуви сабаблари. Анъанавий иқтисодий назария ушбу сабабларни самарадорлик ва оқилоналик нуқтаи назаридан тушунтириб берган.

Биринчи сабаби, таълим тизимини назорат қилиш бу жамоат қизиқишларидан келиб чиқади ва буни бозор иқтисодиёти тўлиқ молиялаштириш имкониятига эга эмас. Юқоридаги бўлимда таъкидлаб ўтилган инсон капитали тўғрисидаги фикрлар, инсон факторининг жамият ресурсларидан оқилона фойдаланишдаги роли ва аҳамияти ҳақидагилар, таълим тизимига йўналтирилаётган харажатлар ҳақидаги тушунчани батамом ўзгартириб юборди¹¹. Бу харажатларга жамиятнинг бир зумлик, қайтиб келмайдиган истеъмолга йўналтирилган маблағлари сифатида эмас, балки инсон капиталига йўналтирилаётган, келажакда фуқаро, фирма ва жамиятнинг даромадини оширишга қаратилган узок муддатли сармояларнинг бир тури сифатида қарала бошланди. Шу билан бирга ушбу сармоялар иш ўринлари билан таъминланишда тенг ҳуқуқлар шакллантиришга ва тегишли даромад манбаига эга бўлишга имкон яратади. Авваллари таълим соҳаси жамиятда ҳосил бўлган қийматни тақсимланиши натижасида истеъмол қилувчи соҳа сифатида қараб чиқилар эди. Ҳозирга келиб эса ушбу соҳа унинг маҳсулотига қизиқиш билдирган соҳа субъеклари томонидан кадрлар ишлаб чиқиш ва сармоялар йўналтириш соҳаси сифатида қаралмоқда. Бунинг натижаси олинган маҳсулот, яъни кадрлар қўшимча даромад келтирувчи, фойда меъёрини оширишга имкон яратувчи, ўсиш даражаларини юқорилашига сабабчи бўлувчи ҳамда давлатнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қила оладиган омил сифатида қаралмоқда.

Иккинчи сабаб таълим соҳасига хусусий сармоялар улуши ва уларни жалб қилиш механизмларини шакллантиришнинг қийинлиги билан боғлиқ. Хорижий олимлар томонидан олиб борилган диссертациялар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, инсон капиталининг рентабеллик даражаси жисмоний капиталга нисбатан анча юқори. Масалан, АҚШда бошланғич таълимдан таъсир даражаси (меъёри) 50-100%га етади, ўрта

¹¹ Кадочников С.М. Особенности высшего образования как экономического блага и некоторые практические следствия этих особенностей // Университетское управление: практика и анализ. 2001. №2. 48-49 б.

таълимда – 15-20%, олий таълимники – 10-15%ни ташкил этади. Ушбу самаранинг асосий қисмини уй хўжаликлари олади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, таълим даражаси билан боғлиқ даромадлар дифференциацияси қанчалик юқори бўлса, шунчалик хусусий сармояларнинг таълим соҳасига йўналтириш даражаси юқори бўлади. Бунда ўз навбатида уй хўжалиқларининг самара даражаси ҳам юқори бўлади ва шу билан бирга аҳолининг катта қисми олий таълимга кўпроқ молиявий ресурслар йўналтира бошлайди¹². Олий таълимга йўналтириладиган сармояларнинг қайта тақсимналиши натижасида хусусий секторнинг улуши ортиши кўп жиҳатдан ҳукуматлардаги инқироз ҳолатлари сабаб бўлди¹³. Ушбу инқирозларнинг сабаблари ҳукуматнинг устувор ислохотлари йўналишининг ўзгариши ва солиқ тушумларининг камайиши ҳисобланди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, олий таълимни молиялаштириш орқали давлат одатда қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

1) Олий таълим тизимининг керакли даражасига эришиш (макро самарадорликка эришиш).

2) Олий таълим муассасалари ўртасида маблағлар тақсимоти давлат мақсадлари, талабалар ва иш берувчилар талабларидан келиб чиққан ҳолда самарали ва мақсадли йўналтиришга эришиш (микро самарадорликка эришиш).

3) Олий таълим олиш имкониятларини барча ижтимоий-иқтисодий гуруҳлар учун бир хил даражага етказиш, яъни олий таълим олишда имкониятларни тенглаштириш.

¹² Курбатова М.В. Проблемы становления системы частного инвестирования в высшее профессиональное образование // Университетское управление: практика и анализ. 2003. №3. 61-68б.

¹³ Морган Э.В. Диверсификация источников финансирования в системе высшего образования: сравнительный обзор // Университетское управление: практика и анализ. 2004. №2 81-90б.

1.3.1-Жадвал

**Айрим мамлакатларда ҳукуматнинг таълим соҳасини
молиялаштиришда катнашиш моделлари¹⁴**

Мамлакат	Эълон қилинган мақсад	Фойдаланилаётган инструмент
Буюк Британия	Олий таълим орқали саноат ишлаб чиқаришни ўсишига таъсир этиш	1) Барча ОЎБЮлари давлат бюджети томонидан 50-60%га молиялаштирилади (меъёрий молиялаштириш асосида). 2) Бюджетдан ташқари маблағлар даромадларнинг 40-50%ни ташкил этади (диссертациялар амалга ошириш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, чет эл талабаларини ўқитиш). 3) 1998/1999 ўқув йилидан бошлаб ўз талабалари таълими учун тўлов жорий қилинди (йиллик давлат харажатларининг 1/8 қисми миқдоридан). 4) Давлат томонидан тақдим этиладиган фойсиз таълим кредитлари таълим тугагандан сўнг қоплаб берилди.
АҚШ	Олий таълим орқали саноат ишлаб чиқаришни ўсишига таъсир этиш	1) Олий таълим субфедерал ҳукумат бошқаруви остида. 2) 57%га яқин ОЎБЮлари хусусий. 3) Федерал ҳукумат таълим тизимида талабалик заёмлари ва диссертация жамғармалари ташкил қилиш орқали катнашади.
Норвегия	Олий таълим орқали саноат ишлаб чиқаришни ўсишига таъсир этиш	1) Давлат молиялаштириш тизими парламент томонидан умумий давлат грантлари ҳажми доирасида ҳар бир ОЎБЮга тақсимланади. 2) Грантлар ягона бюджет схемаси орқали тақсимланади. Ҳар бир ОЎБЮ бюджети давлат бюджетининг бир қисми сифатида тайёрланади ва парламент томонидан тасдиқланади. Талабалар сони аниқланади. 3) Давлат таълим харажатларини қоплаб беради, қолган харажатлар талабаларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади. Улар молиявий ёрдам олишга ҳақли (стипендия ва таълимга заёмлар). 4) Капитал харажатлар ОЎБЮ бюджетига қўшилмайди. Бу харажатлар давлат бюджетининг умумий харажатлари ҳисобидан тўлаб берилди. 5) Диссертациялар харажатлари жамғармалар ҳисобидан молиялаштирилади: хусусий, жамоавий, ЕИ, саноат ва давлат агентликлари.
Янги Зеландия	Олий таълим орқали саноат ишлаб чиқаришни ўсишига таъсир этиш	1) Молиявий автономия ва глобал молиялаштириш: давлат фақат кундузги таълимдаги талабалар таълимини (EFTS), устувор йўналишларини молиялаштиради. Курслар ва талабалар сони фақат давлат томонидан белгиланади. 2) Тўлов тизими: ОЎБЮлари бир талаба нархини ўзлари белгилашади, давлат ушбу тўловнинг 75%ни тўғридан-тўғри молиялаштиради. Агар талаба кундузги ўқишда ўқимаса ва маблағларга эҳтиёжи бўлса, унда у давлат кредитларидан фойдаланиши мумкин. Кредит қайтариш солиққа тортиш тизими орқали амалга оширилади.
Япония	Умумий ва максимал камровли олий таълим	1) Олий таълим тизимида хусусий сектор улушининг кўплиги. 2) Давлат секторининг молиялаштиришдаги улушини камлиги.

¹⁴ Рубин Ю.Б. Рынок образовательных услуг: от качества к конкурентноспособным бизнес-моделям // Высшее образование в России. 2011. №3. 28-37б.

Юқорида келтирилган учта сабаблардан келиб чиққан ҳолда ҳукуматлар олий таълимни бошқаришни ўз назорати остида ушлаб турмоқда. Ушбу ҳолатни аниқ ва яққол кўриш мақсадида, ҳамда давлат ва хусусий сектор қизиқишларининг мутаносиблигини таъминланиш даражасини кўриш учун давлатнинг таълим соҳасидаги иштироки тўғрисидаги қисқача маълумотларга тўхталиб ўтамиз. (1.3.1-Жадвал).

Буюк Британия тажрибаси. Сўнгги ўн йилликда олий таълим давлат сиёсатининг устувор йўналишидан бири бўлиб келмоқда. Марказий ҳукуматнинг функциялари аниқ уч йўналиш бўйича белгилаб қўйилган:

1) Таълим соҳасидаги сиёсатни белгилаш ва аниқ вазифаларни тасдиқлаш (Таълим, маданият, илм-фан ва технологиялар вазирлиги).

2) Олий таълим муассасаларини молиялаштириш (Олий таълим муассасаларини молиялаштириш бўйича кенгаш).

3) Олий таълим сифатини назорат қилиш¹⁵.

Муассасавий олий таълим муассасалари тушунчаси бу мамлакатда йўқ. Барча олий таълим муассасалари, “Олий таълим муассасаларини молиялаштириш бўйича кенгаш” бюджетидан маблағлар олишади. Тармоқли вазирликлар олий таълим муассасалари билан фақатгина диссертациялар амалга ошириш ёки мутахассисларни тайёрлаш (қайта тайёрлаш, малакасини ошириш)га буюртма бериш орқали боғлиқлик тарафи бўлиши мумкин. Бу ОЎБЮнинг бюджетдан ташқари даромадлари таркибига киради.

Ҳар йили Таълим ва бандлик вазирлиги олий таълим соҳасидаги вазифа, мақсад ва устувор йўналишлари ҳақидаги доклад чоп этади. ОЎБЮларини молиялаштириш масаласи билан Таълим ва бандлик вазирлигидан амалда ажралиб чиққан ва фақат мамлакат ҳукуматига бўйсунувчи “Олий таълим муассасаларини молиялаштириш бўйича кенгаш” шуғулланади. Ҳар йили Кенгаш ОЎБЮлари фаолиятини ўрганиб чиқади ва ОЎБЮ ректори ва жамоатга маълум бўлган формула асосида

¹⁵ Ломакина Т.Ю. Современный принцип развития непрерывного образования. М.: Наука, 2006. 10-44б.

ОЎБЮ нинг ҳар бир моддаси бўйича, жумладан илмий диссертацияларни ҳисобга олган ҳолда, молиялаштириш ҳажмини аниқлайди.

Буюк Британиянинг меъёрий молиялаштириш тамойилларига асосан ОЎБЮнинг категориялаштириш ётади. Улар бир нечта гуруҳларга бўлинган. Шу билан бирга ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олувчи коэффициентлар ҳам мавжуд. Хусусан йирик шаҳарлардаги нисбатан қимматроқ коммунал хизматлар ёки Ҳукумат томонидан келаётган йил учун маълум ҳудуднинг таълим соҳасидаги сиёсатининг устувор йўналишларида. Одатда, “Олий таълим муассасаларини молиялаштириш бўйича кенгаш” профессор-ўқитувчилар иш ҳаққи фондини белгилаб беради (талабалар сони ва бошқа кўрсаткичларга асосланган ҳолда маълум бир формула асосида), аммо профессор-ўқитувчиларнинг аниқ сонини ОЎБЮнинг ўзи ҳал қилади.

Буюк Британияда тахминан 50-60% маблағ, давлат томонидан ажратиладиган маблағлар эвазига шаклланади. Маблағларнинг қолган қисмини ОЎБЮлари фирмалар билан шартномалар асосида амалий диссертациялар, ҳудудий ҳукуматлар буюртмаси асосида ишлар, чет эл фуқароларининг таълими учун тўлов, ҳомийлик бадаллари ҳисобига шаклланади.

АҚШ тажрибаси. АҚШ ҳукуматининг таълим соҳасидаги қатнашуви ўзига хос хусусиятларга эга¹⁶. Олий таълим штатлар қарамоғида ҳисобланади. Айрим истиснолардан ташқари (харбий академия) олий таълим федерал ҳукумат томонидан эмас, балки 50 та штат ҳукумати томонидан бошқарилиб борилади. Тахминан жами талабаларнинг 23%ни ўз ичига олувчи 57% колледж ва университетлар хусусий нотижорат ташкилотлари ҳисобланади. Федерал ҳукумат ўзининг муҳим икки функцияси орқали ҳам хусусий, ҳам давлат ОЎБЮларига таъсир кўрсатади: талабаларни ҳукумат томонидан қафолатланган ва

¹⁶ Ломакина Т.Ю. Современный принцип развития непрерывного образования. М.: Наука, 2006. 93-104б., Джонстоун Д.Б. Сокращение финансирования высшего образования: стимулы и ограничения диверсификации доходов // Университетское управление: практика и анализ. 2002. №2. 81-90б.

субсидиарлаштирилган заёмлар кўринишидаги молиявий ёрдам маблағлари билан таъминлаш ва асосан биотиббидёт ва аниқ фанлар соҳасидаги диссертация фондларини молиявий таъминлаш.

Жаҳондаги қадимий эндаумент Гарвард университети эндаументи бўлиб ўзининг биринчи бадалини битирувчиларидан 1649 йилда ер участкаси кўринишида олган. Инвестиция активларини бошқаришдан олинган даромаддан ўқитувчи ва тадқиқодчиларга ойлик маошлари, талабаларга стипендия ва университет кутубхонаси, музейларни молиялаштиришга йўналтирилади. Эндаументга сарфланган инвестиция амалда абадий инвестиция ҳисобланади. Агар Университет эндаументдан йилига 4 – 5% олса нормал ҳолатда бўлади, эндаумент ихтиёридаги маблағлар ҳар йили инфляция даражаси миқдorigа мувофиқ кўпаяди. АҚШда эндаументни мақсадли фондларни анъанавий давлат томонидан таълимни молиялаштириш оз бўлган ҳолда бюджетдан ташқари маблағларини юқори бадаллар билан шакллантириб бўлмайди. АҚШда ўртача битирувчиларни маблағлари эндаумент фондларини шакллантиришда ярми ва ундан ортиқроқ қисмини жумладан Колумбия университетида 55% ни ташкил этади.

Ушбу мақсадли фондлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида самарали фойдаланилмоқда ва олий ўқув юртларига йиллик даромадларини 30 - 40% ни олиб келмоқдалар. Олий ўқув юртлари бундай фондларни ўзларига жалб қилишлари учун аввало, шу жараёнга тажрибали кадрлар керак бўлади. Америкада ана шундай фондларни жалб қилиш мақсадида франдрайзинг (маблағларни жалб этиш), тўлақонли касбга айланган.

Эндаументни ривожлантириш таълим сифатини экспертиза қилиш ва оширишда катта аҳамиятга эга. Олий ўқув юрти таълими сифати битирувчилар фаолиятини кейинги муваффақиятлари билан белгиланади. Хизмат лавозими ва бизнесда муваффақиятга эришган битирувчилар олий ўқув юрти билан алоқани узмай унинг бюджетини ўз хайрия маблағлари

билан тўлдириб турадилар. Масалан 2010 йили Гарвард университетининг эндаумент фонди 25,9 млрд АҚШ долл. ва Массачусет технология институтининг эндаумент фонди эса 9,7 млрд. АҚШ долл. ташкил этди. Таҳлиллар кўрсатишича аксарият ҳолларда ғарбнинг обрўли олий ўқув юртларида эндаумент миқдори млрд. долл.дан кам бўлиши керак эмас.

Таҳлиллар кўрсатишича Гарвард университети фаолиятини молиялаштириш манбалари таркибида эндаумент 38% ни ташкил этиб пуллик таълим хиссасига 44% тўғри келган ҳолда ушбу кўрсаткич Массачусет технология институтида мутаносиб равишда 35% ва 45% га тенг бўлди.

Норвегия тажрибаси. Норвегияда давлатнинг таълим соҳасидаги қатнашуви ўзига хос хусусиятларга эга¹⁷. Университетлар фондларининг асосий қисми ҳар хил давлат грантларига асосланади. Умумуниверситет ресурсларнинг ўсиб бораётган қисми бошқа манбалар ҳисобига шаклланмоқда. Миллий диссертация кенгаши ҳар йили университетларга йирик грантлар ажратади. Ушбу грантлар университетнинг диссертация харажатларининг асосий қисмини молиялаштириш имконини беради.

Ҳозирги кунда парламент грантлари ҳар бир университет учун умумий грант сифатида тақдим қилинади. Грантлар ягона бюджет тизимидан ташкил топади. Ҳар бир таълим муассасасининг бюджети алоҳида йиллик бюджет сифатида шаклланади ва парламент томонидан тасдиқланади. Университетлар бюджетини шакллантиришдаги асосий кўрсаткич бу талабалар сони ҳисобланади. Сўнгги 15 йил давомида талабалар сони икки баробарга ошди, аммо ҳозир улар сони камайиб бормоқда.

Норвегияда олий таълим барча учун бепул, лекин талабалар турар жой ва бошқа масалаларга жавоб берувчи ижтимоий таъминот ташкилотларига аъзолик бадалларини тўлаб боришлари керак.

¹⁷ Стром Г.А. Национальная система финансирования вузов Норвегии // Университетское управление: прак-тика и анализ. 2000. №4. 28-31б.

Талабаларни молиявий қўллаб қувватлаш стипендия ва Давлат банки томонидан ажратиладиган таълим заёмларига асосланган.

Университетлар учун янги иншоотлар қуриш масаласи парламент томонидан алоҳида қараб чиқилади. Бу харажатлар университет харажатларида кўринмайди, чунки бу харажатлар вазирлик томонидан умумий харажатлар таркибидан молиялаштирилади.

Маблағларни натижага асосланган ҳолда тақсимлаш Норвегия учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Университетлар ажратилган маблағларни бемалол бошқа модда харажатларига йўналтиришлари мумкин. Молиявий чегараларни олиб ташланиши ва ташқи молиялаштириш манбаларининг ортиб бориши университетларнинг молиявий бошқариш тизимини тубдан ўзгартирди.

Умуман олганда университетлар кенг мустақилликга эга. Аммо вазирлик асосий сиёсий ва стратегик қарорлар қабул қилиш, яъни мутахассисликлар бўйича талабалар сонини аниқлаш ва ҳар бир факультетдаги умумий талабалар сонини чеклаш каби қарорлар қабул қилади.

Янги Зеландия тажрибаси. Янги Зеландиянинг молиялаштириш моделининг ўзига ҳос хусусиятлари сифатида ОЎБЮларининг молиявий автономияси ва глобал бюджети, ҳамда улардаги иш ҳақи тўлаш механизмининг ўзига хослигини келтириш мумкин¹⁸. Глобал молиялаштириш ва молиявий автономия анча аввал жорий қилинган. У EFTS (кунгузги таълим турига) асосланган. Давлат тўғридан тўғри эмас, балки талабалар орқали таъсир кўрсатади. EFTS нархи 3 996 дан 26 137 гача бўлган янги зеландия доллари атрофида. Умаман EFTS нинг саккиз гуруҳи мавжуд. Бунда талаба ёши, битирувчи ёки талабалиги, олий таълим муассасасининг тури ва курснинг тури ҳисобга олинади.

¹⁸ Ройтер В. Финансирование образования: Международные модели, пути, опыт и мышление// Университетское управление: практика и анализ. 2000. №4. 4-9б.

Бюджетдан молиялаштириш жараёни қуйидаги тамойилларга асосланган.

1) Давлат истиқболли йўналишлар тўғрисида маълумот беради.

2) Таълим муассасаси бу йўналиш бўйича қанча талаба олишини эълон қилади.

3) Давлат қанча талабани молиялаштиришини эълон қилади, бунда таълим муассасаси кўпроқ талаба қабул қилиши мумкин.

EFTS модели олий таълим муассасаларига ўзининг харажатларини аниқлашда кенг имкониятлар яратиб беради. Бу ўз навбатида барча соҳаларда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратади. Давлат тўғри таъсир кўрсатмайди, лекин молиявий шартлар орқали таъсир доирасига эга. Бошқарувнинг бир тури сифатида талабалар томонидан тақдим қилинаётган талаб мисол бўлади. Аммо, ушбу тизим талабаларнинг олий таълим муассасаси томонидан тақдим қилинаётган йўналиш ва курслар ҳақида кенг қамровли маълумотга эга бўлишини талаб қилади. Бу талабаларга эркин танлаш ва рақобат муҳитини яратиб беради.

ОЎБЮлари хизматларини молиялаштириш кўп йиллар давомида амалиётда қўлланилиб келинмоқда ва ўз ичига қуйидаги элементларни олади: 1) таълим учун тўлов таълим йўналишидан қатъий назар 25%ни ташкил этади, яъни давлат фақат 75% харажатни қоплаб беради; 2) таълим муассасалари ўзлари тўлов миқдорини белгилашади; 3) 1992 йилдан бошлаб ҳар бир фуқаро таълим кредитларидан фойдаланиш имкониятига эга. Кредитни қайтарилиши ҳар бир фуқаронинг даромад/меҳнат ҳаққига боғлиқ ва солиқ солиш тизими орқали амалга оширилади.

Таълим соҳасидаги индивидуал ва давлат иштироки аниқ белгилаб қўйилган. Давлат учун ўз улушини камайтирмаслик жуда муҳим. Кредитнинг капиталлаштирилган қисми талабанинг ўзи томонидан тўлаб борилади. Бу дегани, тизим ҳаттоки бюджет чегараланганлик даврида ҳам ўз самарадорлигини йўқотмайди.

Япония тажрибаси. Япония олий таълими аҳолини қамраб олиш даражаси бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллаб келади¹⁹. Япон ОЎБЮ томонидан тайёрланадиган мутахассисларнинг сифати халқаро стандартларга асосан жуда паст даражада қолиб кетмоқда. Бунга сабаб давлат томонидан олий мактабга унчалик катта эътибор берилмаслигидир. Бунинг натижасида, бошқа давлатларга нисбатан хусусий таълим муассасалари улуши жудаям юқори даражага кўтарилиб кетди ва бу ўз навбатида мутахассисларни тайёрлаш сифати ва таркибига салбий таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга хусусий ОЎБЮларининг молиявий имкониятлари аксарият ҳолларда жуда чекланган. 1950-1990-йилларда давлат ОЎБЮларида бир талабага тўғри келадиган жорий харажатлар ҳажми хусусий секторга нисбатан анча юқори бўлган. Шу даврларда хусусий секторда тўлов миқдори давлат секторига нисбатан анча юқори бўлган. Ўртача олинганда бу фарқ икки баробарни ташкил этади, техник ва тиббиёт соҳаларида уч-беш баробарга етади. Бу ҳол тузилмавий номутаносибликни келтириб чиқарди.

Бу ҳолатларда тайёрланган мутахассислар иқтисодиётда рақобат қила олмай қолишди. Ҳозир ҳукумат олдида бизнес вакиллари томонидан кўйилаётган жуда муҳим талаб шаклланиб келмоқда. Улар фикрлаш ва янги йўналишларни излаб топа оладиган мутахассисларга талабларни кучайтира бошлашди.

Ҳукумат томонидан ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштирувини аниқлаш мақсадида ҳар хил қарашларга эга. Улар томонидан танланган асосий таклиф, доимий ҳамкорликка асосланган ижтимоий суҳбат орқали ҳал қилишдир. Ҳозирда ҳукумат томонидан таълим сиёсатини амалга оширишда йирик корхоналарнинг мутахассисларга бўлган талабларидан келиб чиққан ҳолда

¹⁹ Дронишинец Н.П. Проблемы управления системой высшего образования в Японии// Университетское управление: практика и анализ. 2002. №1. 70-79б.

шакллантирилиб келинмоқда²⁰. Давлат маблағларидан самарали фойдаланиш имкониятларини ошириш мақсадида ҳукумат кенг кўламдаги ислохотларни амалга оширишига тўғри келмоқда. Бунинг натижасида давлат грантлари асосида ўқиётган талабалар доимий иш билан таъминланиш тамойилига мос равишда иш билан таъминлаш йўлга кўйилмоқда. Шу билан ҳар бир хусусий сектордаги таълим муассасалари ҳам кенг кўламдаги ислохотларни амалга оширишга қаратилмоқда.

Олий таълимни молиялаш қуйидаги шакллари билан ажралиб туради:

- қатор давлатларда давлат олий ўқув юртларида таълим олиш талабалар учун бепул (масалан, Европанинг қатор ривожланган давлатлари — Австрия, Дания, Финляндия, Германия ва бошқа давлатлар олий ўқув юртларида ўқиш бепул). Бу давлатларда таълим давлат, муниципал бюджет маблағлари, ҳомийларнинг, олий ўқув юртларининг хорижлик талабалар учун таълим хизмати кўрсатишидан, шунингдек, илмий-диссертация ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини сотишдан ишлаб топган маблағлари ҳисобидан молияланади;

- давлат олий ўқув юртларида билим олаётган талабаларнинг бир қисми учун пулли (давлат грантлари ҳисобидан) ва қолган қисми учун пулли таълим (бундай тизим МДҲ давлатлари, жумладан, Ўзбекистонда кенг жорий этилган);

- талабалар олий ўқув юртлари харажатларининг бир қисмини қоплаганда давлат олий ўқув юртларида ўқишни маблағ билан таъминлаш, харажатларнинг қолган қисми бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади (АҚШ, Япония, Буюк Британия каби ва бошқа кўплаб ривожланган мамлакатларнинг давлат олий ўқув юртларида);

- давлат олий ўқув юртларида таълимнинг тўлиқ пуллилиги (Осиё, Африка, Лотин Америкасининг кўплаб ривожланаётган давлатларида);

²⁰ Джонстоун Д.Б. Сокращение финансирования высшего образования: стимулы и ограничения диверсификации доходов // Университетское управление: практика и анализ. 2002. №2. 93-104б.

- хусусий олий ўқув юртларида ўқишнинг тўлиқ пуллилиги (дунёнинг аксарият давлатларида). Энг иқтидорли талабалар учун хусусий ва олий ўқув юртлари грантларидан кенг фойдаланиш ушбу тизим турларидан бири ҳисобланади (ушбу грантлар кўпроқ дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги таниқли олий ўқув юртларида қўлланилади);

- хусусий олий ўқув юртларида ўқишни маблағ билан таъминлаш (масалан Чилида бу улуш 5/3, Таиландда қарийб 5/2, ОЭСРга (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти) аъзо мамлакатларда 3/1 ва Ҳиндистонда 5/1 ташкил этади²¹

Давлатнинг таълим соҳасидаги иштироки ва моделларини ўрганиш орқали қуйидаги умумий хулосаларга келиш мумкин:

- олий таълимни молиялаштириш ўзининг муқобил манбаларига эга. Бунга ҳам жамиятнинг ҳам таълим тизимининг жамоат институти сифатида ривожланиб бориши билан боғлиқ;

- олий таълим технологик жиҳатдан юқори даражадаги ва билимларга асосланган иқтисодиётда марказий ўрин эгалламоқда. Олий таълим индивидуал, ижтимоий ва иқтисодий мобиллаштиришнинг двигатели бўлиб ҳисобланади;

- айрим мамлакатлар тажрибаси, яъни таълимга бўлган талабнинг ортиб бориши таълим соҳасини молиялаштиришни такомиллаштиришга замин яратмоқда;

- олий таълим соҳасининг давлат молиялаштириш тизимида боғлиқ қисмининг молиявий ҳолатининг ёмонлашуви кузатилмоқда;

- маблағларни самарали фойдаланишлик даражаси тўғридан-тўғри талабанинг таълим олишга бўлган қизиқишининг имкониятлари билан мос келиши билан боғлиқ.

²¹ Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф муносабати. Тошкент – 2007/2008 й. 136-бет

2.1.1-Жадвал

2009–2013 йилларда олий таълимни ривожлантириш суръатлари
(минг киши)²²

	2009 й/ 2010 й	2010 й/ 2011 й	2011 й/ 2012 й	2012 й/ 2013 й	2013 й/ 2014 й
ОТМлар сони	72	72	72	72	71
ОТМга қабул	70,1	63,6	63,0	62,8	62,5
бюджет	23,6	22,0	21,6	21,3	20,8
контракт	46,4	41,6	41,4	41,5	41,7
Жами талабалар сони	299,1	288,8	272,5	252,7	255,7
бюджет	89,6	88,4	85,5	83,2	82,5
контракт	209,5	200,4	187,0	169,4	173,2
ОТМни битирувчилари сони	73,0	78,4	86,7	61,2	62,6
бюджет	21,6	22,3	22,2	20,8	20,6
контракт	51,5	56,0	64,5	40,4	42,0

Мамлакатимиз олий таълим тизими кундан кунга молиялаштириш тизими такомиллашиб бормоқда. Бу борада Ҳукуматимиз томонидан бир қанча қарорлар қабул қилинганки, ушбу қарорлар олий таълим муассасаларини ходимлари иш унумдорлигини ошириш, уларни рағбатлантириш ва етук кадрлар тайёрлашга қаратилган шу билан бирга жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасаларини молиялаштириш тизимига қиёсланмоқда.

2.1.2-Жадвал²³

Олий ўқув юртларининг педагог кадрлари таркиби 2013 йил учун

Жами профессор, ўқитувчилар сони	Шундан,					
	Кафедра мудирлари	Профессор	Доцент	Кагга илмий изланувчилар	Ассистент ўқитувчилар	Стажёр ўқитувчилар
26399	1668	1427	5793	6526	10497	488

²² Манба Молия Вазирлиги

²³ Манба Молия Вазирлиги

Ушбу кўрсаткичларга мисол қилиб олий таълим муассасалари ходимларини меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби доимий равишда такомиллаштирилаётганлигини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 7 августдаги ПФ-3112-сонли фармонида асосан олий таълим муассасалари муаллимларининг ҳамда илмий-диссертация муассасалари илмий ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,2 баробар кўпайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-926-сонли қарорига асосан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошларига амалдаги доимий устама ва кўшимча тўловларни қўшган ҳолда такомиллаштирилган тизимини жорий этилди ва олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларига жорий этилаётган базавий лавозим маошларини миқдори яна оширилди.

Юқоридаги қарордан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сонли қарорига асосан Давлат бюджетидан ёки аралаш тарзда маблағ билан таъминланадиган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари белгиланди, бунга асосан ягона сеткаси ва базавий лавозим белгиланиб кўйилди.

Жаҳонда бозор муносабатлари ривожланиши шароитида олий ўқув юртлари фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишнинг янги манбаларини излаб топишга талаб кўп бор такрорланиб келинмоқда. Кўпгина олий ўқув юртларининг молиявий ресурслари бу, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлардан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасалари талабаларни тўлов шартнома ва бюджет маблағлари ҳисобига таълим олишини ташкил

қилган ва шу тартибда олий таълим муассасаларини маблағ билан таъминлаш ҳам амалга оширилади.

Тўлов шартнома асосида таълимни амалга ошириш Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 26 февралда 2431 сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2013 йил 28 декабрдаги “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 508 сонли буйруғига асосан ишлаб чиқилган “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда кўрсатилган тартибда олиб борилади. Мазкур Низом олий таълим муассасалари (бакалавриат, магистратура)га ва ўрта махсус таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида талабалар ва ўқувчилар қабул қилишини, тўлов-контракт асосида таълим грантлари корхоналар, ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан ўзларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини қондирилишини таъминлаш кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида иккинчи таълим йўналиши бўлиб ушбу таълим "Таълим тўғрисида" қонуннинг 14-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи таълимни олиш тартиби тўғрисидаги Низом"га мувофиқ амалга оширилади.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 414-сонли қарори талабларига асосан, фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан, бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига ҳомийлик (беғараз) ёрдами

берилишидан кўшимча даромадлар олиш ҳисобига таълим муассасаларнинг харажатларини амалга оширилади. Мазкур қорор бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизмининг соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун шарт-шароитлар яратиш, шу билан бирга бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш учун сарфланиш тартиби бўйича кўрсатмалар берилган.

Юқоридагилардан ташқари олий таълим муассасаларининг бошқа ҳар хил даромадлари асосида тушган тушумларидан ҳам муассасанинг харажатларини қопланади.

Кўплаб мамлакатларда "жон бошига молиялаштириш" тартиби талабалар миқдорига асосланган ҳолда ҳисобланади.

Австралия, Германия, Янги Зеландия, Франция ва Буюк Британияда олий таълим муассасаларини молиялаштиришда талабалар сонидан асосий кўрсаткич сифатида фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 августдаги 178-сонли қарорига асосан бир талабани ўқитиш харажатларининг базавий нормативидан келиб чиқиб ҳар бир олий таълим муассасаси учун бюджетдан молиялаштириш ҳажми белгиланди. Ушбу қароргача эса олий таълим муассасаларини молиялаштириш ўтган йилги смета харажатларининг бажарилишига қараб амалга оширилган ушбу қарорнинг афзаллиги ҳар битта олий таълим муассасалардаги мавжуд талаба сонидан келиб чиққан ҳолда маблағлар молиялаштирилмоқда.

Давлат томонидан олий таълимни молиялаштириш тизимидаги ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилаётган мамлакатларда олий

ўқув юртларини молиялаштиришда маблағ ажратишнинг таянч принципларидан таълим йўналишини ҳисобга олган ҳолда маълум гуруҳлар бўйича табақалаштирилган ва бир талабага мўлжалланган молиялаштиришнинг норматив принципига ўтилган.

Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 20 августдаги 67- ва 329-сонли қарорига асосан олий таълим муассасалари бир талабани ўқитиш харажатлари миқдорига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. –гуруҳ: педагогик ва ихтисослашган олий ўқув юртлари;
2. –гуруҳ: минтақавий университетлар;
3. –гуруҳ: техника–муҳандислик олий ўқув юртлари;
4. –гуруҳ: аграр олий ўқув юртлари;
5. –гуруҳ: қурилиш институтлари;
6. –гуруҳ: хорижий тилларни ўқитишга ихтисиллашган олий ўқув юртлари;
7. –гуруҳ: ахборот технология олий ўқув юртлари;
8. –гуруҳ: тиббиёт олий ўқув юртлари;
9. –гуруҳ: маданият, санъат олий ўқув юртлари.

ОТМга ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмининг ҳисоби қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$\text{БСВ} = (\text{БНЗ1} * \text{К1} + \text{БНЗ2} * \text{К2} + \text{БНЗ3}) * \text{N} + (\text{БНД1} * (\text{Nдс} - \text{Nдсв}) + \text{БНД2} * \text{Nдсв}),$$

бунда:

БСВ - ОТМ учун бюджет маблағлари ҳажми;

БНЗ1 - меҳнатга ҳақ тўлаш, ягона ижтимоий тўлов, стипендия ва меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш харажатларини ҳамда моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан устамалар ва қонунчилик билан

белгиланган бошқа устама ва қўшимчаларни ўз ичига олувчи ОТМнинг бир талабаси учун жорий харажатларнинг базавий нормативи;

БН32 - 4-гуруҳ харажатлари бўйича ОТМнинг бир талабаси учун жорий харажатларнинг базавий нормативи;

БН33 - асосий активларни ҳарид қилиш ва капитал таъмирлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажми аниқланадиган ОТМнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва яхшилаш харажатлари бўйича харажатларнинг базавий нормативи;

N - ҳамма таълим йўналишлари ва босқичлари бўйича ўртача йиллик талабалар сони (сиртки таълим талабалари учун 0,1 коэффиценти қўлланилади);

Ўртача йиллик талабалар сони молия йилида режалаштириладиган талабалар сонининг курслар бўйича ўзгаришини инобатга олган ҳолда аниқланади (қабул, битирув, талабалар сафидан чиқариш) ва қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$N = U_n + U_p/3 - U_b/2 - U_o * 0,6,$$

бунда:

N - ўртача йиллик талабалар сони;

U_n - йил бошига талабалар сони;

U_p - талабаларни қабул қилишнинг кутилаётган сони;

U_b - битирувчи талабаларнинг кутилаётган сони;

U_o - талабалар сафидан чиқаришнинг кутилаётган сони;

K1 - ОТМдаги ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қўлланиладиган ОТМнинг меҳнатга ҳақ тўлаш, ягона ижтимоий тўлов ва стипендия харажатлари ҳажмини оширувчи тузатиш коэффиценти;

K2 - ОТМдаги ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қўлланиладиган ОТМнинг 4-гуруҳ харажатлари ҳажмини оширувчи тузатиш коэффиценти;

БНД1 - тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМнинг бир талабасининг таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативи;

БНД2 - тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМнинг бир битирувчи талабасининг таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативи;

Нде - тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМ талабаларининг йил бошига сони;

Ндсв - жорий молия йилида тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМнинг битирувчи талабалари сони.

Юқорида кўрсатилган гуруҳлар бўйича I - II ва IV гуруҳ харажатлари учун олий таълим муассасаларининг бир талабани ўқитиш харажатларининг базавий нормативлари белгиланган ва ҳар йилда ҳисоб китоблар асосида ишлаб чиқилади. Қуйидаги 5-жадвалга асосан 2011-2012 йиллардаги харажатларининг базавий нормативлари тасдиқланган.

2.1.3-Жадвал

2011-2012 йиллардаги харажатларининг базавий нормативлари²⁴

(Минг сўмда)

Гуруҳлар	БНЗ1		БНЗ2		БНЗ3	
	2011 й.	2012 й.	2011 й.	2012 й.	2011 й.	2012 й.
1-гуруҳ	2587	3539	96	100	90	90
2-гуруҳ	2573	3336	96	100	90	90
3-гуруҳ	2651	3360	178	185	90	90
4-гуруҳ	2894	3255	178	185	90	90
5-гуруҳ	2867	3634	122	125	90	90
6-гуруҳ	3055	3795	96	100	90	90
7-гуруҳ	3179	3435	178	185	90	90
8-гуруҳ	3477	4383	294	305	90	90
9-гуруҳ	3015- 10898	3423- 12908	121- 2067	120- 1742	90	90

²⁴ Манба Молия Вазирлиги

Юқоридагилардан ташқари тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган (ОТМ)лари бир талабасининг таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативи 2011 йилда қуйидагича:

БНД1 - 2511.0 минг сўм;

БНД2 - 6477.0 минг сўм;

2012 йилда қуйидагича:

БНД1- 2856.0 минг сўм;

БНД2 - 8035.0 минг сўм;

Юқоридаги қисмда кўрсатиб ўтилган Низомга асосан “жон бошига молиялаштириш” тизими ва ушбу тартиб татбиқ қилингунгача бўлган молиялаштириш тартибларини ушбу таҳлилий қисмда бир нечта ОТМ лар кесимида кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда Низомга мувофиқ тақсимланган биринчи гуруҳдан тўққизинчи гуруҳгача бўлган ОТМларда давлатнинг стратегик истиқболларидан келиб чиққан ҳолда мос равишда тўлов-контракт асосида талабалар сони ортиб бормокда. Яъни, биз мисол қилиб келтирган 2-гуруҳ ОТМ лардаги давлат харажатларини реал ўсиши 2009 йилга нисбатан 17-20% ташкил этиши, ўз навбатида талабалар сонига нисбатан хисоблашнинг қулай тарафларини ортиб боришидан далолат беради.


Худди шундай 9- гуруҳ бўйича эса давлат грантлари бўйича талабалар сони йилдан йилга камайиши кузатилмокда, мос равишда давлат харажатлари ҳам камайиши кузатилмокда. Аммо шунга қарамай Низом талабларига биноан 2009 йилга нисбатан харажатлар реал ўсиш суръатлари камида 1% атрофидагилигини кўришимиз мумкин.

2.2. Олий таълим муассасаларини молиялаштириш таҳлили

Олий таълим муассасаларнинг харажатларини юқорида кўрсатиб ўтилган маблағлар (бюджет маблағлари, тўлов шартнома асосида тушган маблағлар, ривожлантириш жамғармаси ва бошқа тушган маблағлар)

ҳисобига амалга оширишни 2007-2013 йиллар мисолида таҳлил қилинганда харажатларнинг катта қисмини тўлов шартнома асосида тушган маблағлар томонидан қопланишини кўриш мумкин. Тўлов шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг тўловлари асосида муассасаларнинг харажатларини умумий ҳисобда 2007 йилда 42.9 % ини қоплаган бўлса, 2013 йилга келиб эса умумий харажатларнинг 53.8 % қеки 10.9 % ўсишга эришилган.

2007-2013 йиллар кесимида умумий харажатларни молиялаштириш кўйидагича улушларда тақсимланган.



2.2.1-расм. 2007-2013 йилларда харажатларни молиялаштириш манбалари²⁵

2007 йилда 41.2 % ини бюджет маблағлариидан, 42.9% ини тўлов шартнома асосида тушган маблағларидан, 15.9 % ини эса бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу диаграммага асосан кўриб турганимиздик 2008 йил ва 2009 йилларда тўлов контракт маблағларининг салмоғи паст, яъни бюджет маблағларига нисбатан камлигини кўришимиз мумкин. 2008 йилда бюджет маблағлари 49.5 %ни, тўлов контракт маблағлари 45.1 %ни, бошқа тўловлар эса 5.4%ни ташкил этган. 2008 йилда контракт суммаси паст ва бир меъёрда тушмаганлиги сабабли умумий харажатлардаги улуши паст

²⁵ Манба молия вазирлиги

бўлган. ОТМларни харажатларини бир маромда молиялаштиришни амалга ошириш учун шу йили Давлат бюджетидан 34.6 млрд сўм миқдорида ссуда жалб қилинган. 2009 йилда эса ўтган йилги паст кўрсаткичлар таъсири оқибатида ўсиш салмоғи кам бўлган, яъни бюджет маблағлари 42.7%ни, тўлов контракт маблағлари 48.7 %ни ташкил қилган ва ушбу йилда ҳам касса узилишларини олдини олиш ҳамда бир маромда молиялаштириш таъминлаш мақсадида 4.0 млрд сўм миқдорида Давлат бюджетидан маблағлар жалб қилинган. Олий таълим муассасалари харажатлари учун жалб қилинган ссуда қарзлари Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 237-сонли қарорига асосан қарз маблағлари ҳисобидан чиқарилган ҳамда воз кечилган.

2010 йилга келиб умумий харажатларни қоплашдаги контракт тўлови маблағларининг улуши ўсишга эришилди, яъни 58.2 %ни ташкил қилди, бюджет маблағлари эса 35.7 %ни, бошқ бюджетдан ташқари маблағлари эса 6.1 %ни ташкил этган.


2012-2013 йилларда йўналишлар кесимида грант ҳамда контракт тўловлари асосидаги талабалар сонининг ўсиши ҳисобига уларнинг харажатлари ҳам ўсган. Бюджет харажатлари 42-44 %ни ташкил қилган бўлса контракт тўлов харажатлари ўртача 53% ни ташкил қилган.

Чет давлатлар тажрибасига асосан ОТМлари томонидан жалб қилинган даромадлар муассасанинг харажатларини қоплашга қаратилиши яъни давлат томонидан бюджет маблағларини жалб қилиниш улушини камайтиришга таълим муассасаси томонидан мустақил ўзини-ўзи харажатларини қопланишини кўрсатади.

Айрим олий таълим муассасалари мисолида қаралганда:

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси томонидан 2010-2013 йилларда тўлов шартнома маблағлари ва бошқа бюджетдан ташқари жалб қилинган даромадлар ҳисобига умумий харажатларнинг 62-65 фоизини молиялаштиришга эришилган. Молиялаштирилаётган умумий харажатларнинг таҳлили эса 2010 йилда 37.7 фоизи бюджет смета

харажатлари, 43.8 фоизи тўлов шартнома смета харажатлари, 12.1 фоизи ривожлантириш жамғармаси смета харажатлари ва қолган 6.4 фоиз харажатлари эса бошқа харажатлар ҳисобига, 2013 йилда эса 35.5 фоизи бюджет смета харажатлари, 54.7 фоизи тўлов шартнома смета харажатлари, 5 фоизи ривожлантириш жамғармаси смета харажатлари ва қолган 4,8 фоиз харажатлари эса бошқа харажатлар ҳисобига тўғри келганлигини кўрсатади.




2.2.2-Расм. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида 2010-2013 йилларда умумий харажатларни молиялаштириш манбалари динамикаси²⁶

Харажатларни молиялаштиришда шунини кўриш мумкинки, бюджет харажатларининг қисқариши билан бир қаторда параллел равишда тўлов шартнома асосидаги харажатлар сметаси ўсмоқда.

Ўзбекистон Жаҳон тиллари ва дипломатия университети даромадлари 2010 йилда жами харажатларининг 73 фоизини, 2011 йилда 72 фоизини, 2012 йилда 73 фоизини, ушбу кўрсаткич 2013 йилга келиб эса 79 фоизини муассасанинг ўз даромадлари ҳисобига амалга оширилган.

²⁶ Манба молия вазирлиги



**2.2.3-расм. Ўзбекистон Жаҳон тиллари ва дипломатия университети
2010-2013 йилларда умумий харажатларни ўз даромадлари билан
қопланиш даражаси²⁷**


Мазкур олий таълим муассасасида ҳам харажатларни молиялаштиришда бюджет харажатларининг қисқариши билан бир қаторда параллел равишда тўлов шартнома асосидаги харажатлар сметаси ўсмоқда. Шу билан бирга юқорида кўриб чиқилган олий таълим муассасаларидаги каби ушбу университетда ҳам тўлов-контракт суммасининг ўсиб бориши харажатларни молиялаштиришда бюджетдан ташқари манбаларнинг ролини ошишини таъминлаб бермоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан шуни кўриш мумкинки жаҳон тажрибасини қўллаган ҳолда муассасаларда бюджет харажатларини камайтириш ўз даромадлари ҳисобига харажатларини амалга ошириш 2010-2013 йил ўрта ҳисобда 3-4 фоизга бюджет харажатлари камайиб ўз навбатида бошқа харажатлар ортган.

ОТМларида харажатларнинг катта қисмини иш ҳақи тўловлари ва стипендия тўловларини ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич умумий харажатларнинг ўртача 70-75 % ини ўз ичига олган. Шундан, иш ҳақи харажатлари 38-41 % ини, стипендия харажатлари эса 32-34 % ини ташкил қилган.

²⁷ Манба молия вазирлиги

Олий таълимга йўналтирилган харажатларининг қайси мақсадларда йўналтирилганлиги ва харажатлар йиллар давомида ўзгариши, яъни жорий харажатлар структурасини 2007 – 2013 йилларда иш ҳақи ва стипендия харажатлари катта салмоқни эгаллаган. ОТМларида 2007 – 2013 йилларда яъни 7 йиллик жорий харажатлар таҳлили бўйича энг юқори салмоқни стипендия харажатлари эгаллаган бўлса ундан сўнг иш ҳақи, бошқа жорий харажатлар ва капитал харажатлардаги улушларини ташкил қилган.




2.2.4-расм. 2007-2013 йилларда жорий харажатлар структураси²⁸

Олий таълимга йўналтирилган жами харажатларга нисбатан 2007 йилда капитал харажатлари 10 % ни ташкил қилган бўлса 2012 йилда 4 %ни, 2013 йилда 3 %ни ташкил қилган. Бунга асосий сабаби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон қарори билан тасдиқланган Дастурга асосан олий таълим муассасаларининг капитал таъмирлаш ишлари учун харажатлар алоҳида тартибда молиялаштирилмоқда.

²⁸ Манба молия вазирлиги

Шу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, фақат 2008 йил ва 2009 йилларда олий таълим муассасаларида кам миқдорда бўлсада фоизсиз ссудалар ажратилган қолган йилларда мавжуд эмас. 2008 ва 2013 йилларда олий таълимга йўналтирилган жорий харажатларнинг салмоғи юқорилиги ҳамда капитал қўйилма харажатлари 2008 йилда жами харажатларга нисбатан 1%ни ташкил қилган бўлса 2013 йилга келиб 16%ни ташкил қилганига гувоҳ бўлиш мумкин.



2.2.5-расм. 2008 ва 2013 йилларда жами харажатлар структураси²⁹

Юқоридагилардан ташқари ОТМлар биноларини таъмирлаш ва уларни моддий техника билан таъминлаш ишлари учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида ташкил қилинган “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси” томонидан амалга ошириб келинмоқда.

Давлат дастурини амалга оширишда таълим соҳасини ривожлантириш, авваламбор, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув муассасалари қуриш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш масаласига эътибор янада кучайтирилди³⁰

²⁹ Манба молия вазирлиги

³⁰ Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 5-бет.

2.2.1-Жадвал

2011-2013 йилларда бажарилган қурилиш ва жихозлаш ишлари учун ажратилган маблағлар³¹


	2011 й	2012 й	2013 й	Жами
Капитал таъмирлаш ишлари				
Муассасалар сони	7	12	9	28
Объектлар сони	8	33	21	62
Лойиҳа қуввати (ўринли)	6453	12602	7840	26895
Режалаштирилган маблағ (млн сўмда)	8000	38226,4	73898	120124,4
Қурилиш ва реконструкция				
Муассасалар сони	5	7	13	25
Объектлар сони	6	15	25	46
Лойиҳа қуввати (ўринли)	2820	8446	9801	21067
Режалаштирилган маблағ (млн сўмда)	12000	34596,2	93231,9	139828,1
Жихозлаш				
Жихозлашга режалаштирилган маблағ (млн сўмда)		3280	22047,1	25327,1
жумладан, вазирликлар кесимида ОТМлар				
ОЎҚХТ вазирлиги (млн сўмда)		2736,8	22047,1	24783,9
Тоғ кон металлургия комбинати (млн сўмда)		444		444
СС вазирлиги (млн сўмда)		99,2		99,2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майда қабул қилинган ПҚ-1533-сон қарорига инвестиция дастурлари асосида 2011 – 2013 йилларда бир қанча олий таълим муассасаларининг биноларида қурилиш реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари ва ОТМларнинг моддий техника базасини ривожлантириш мақсадида жихозлаш ишлари ҳам амалга оширилган.

ОТМни молиялаштириш тартиби ва унинг самарадорлиги таҳлилини Тошкент молия институти мисолида таҳлил қилиб чиқилди.

Молиялаштирилаётган умумий харажатларнинг таҳлили эса 2010 йилда 14,4 фоизи бюджет смета харажатлари, 79,4 фоизи тўлов шартнома смета харажатлари ва қолган 6,1 фоиз харажатлари эса бошқа манбалар ҳисобига, жорий 2013 йилда эса 15 фоизи бюджет смета харажатлари, 82,3 фоизи тўлов шартнома смета харажатлари ва қолган 2,7 фоиз харажатлари эса бошқа манбалар ҳисобига тўғри келганлигини кўрсатади.

³¹ Манба Молия вазирлиги



2.2.6-расм Тошкент молия институти 2010-2013 йилларда умумий харажатларни молиялаштириш манбалари динамикаси³²

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, тўлов-контракт суммасининг ўсиб боришини кузатиш мумкин. Бу ўз навбатида Тошкент молия институтининг ўз-ўзини молиялаштириш даражасини ошиб боришидан далолат беради.

Бюджет смета харажатлари бўйича:

2009-2013 йиллардаги бюджет смета харажатлари бўйича штат бирликлари ҳамда педагог ставкалар ва улар учун харажатлар миқдори қуйидаги жадвалда акс эттирилган ва смета харажатларида иш ҳақи учун ушбу маблағлар режалаштирилган.

Мазкур жадвал орқали таҳлил қилинганда 2010 йилдан бошлаб бюджет маблағлари ҳисобидан сақланган штат жадвалларининг 84 % и, тўлов шартнома асосида харажатларидан қопланиб келинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги №164 сонли қарори бўйича кундузги ўқиш бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларига асосан, яъни,

2009/2010 ўқув йилидан бошлаб - 1:10,5;

³² Манба Молия вазирлиги

2014/2015 ўқув йилидан бошлаб - 1:12,5 белгиланган. Ушбу нормативга асосан ОТМларда педагог ставкалар белгиланиб таърифкациялар тузилиб келинмоқда.


2.2.2-Жадвал

2009-2013 йиллардаги бюджет смета харажатлари бўйича штат бирликлари ҳамда педагог ставкалар ва улар учун харажатлар миқдори³³

Минг сўмда

Йиллар	Штатлар сони	Иш ҳақиси	Педставкалар сони	Иш ҳақиси	Соатбай иш ҳақи	Рағбатлантириш жамғармаси	Касаллик ни инобатга олиш	Бошқа	Жами режалаштирилган маблағ
2009	386	448726	147	601888	54170	156879	12117	4172	1277952
2010	60	140138	129	637460	25498	93146	8770,0	8606	913618
2011	56	176661	124	752300	30092	115363	11962,0	151907	1238285
2012	56	223487	119	1002519	40101	146896	15969,0	224016	1652988
2013	54	265282	107	1174917	46997	172915	17900,0	176916	1854927

Давлат грантлари асосида ўқийдиган талабалар сони ва уларга ажратилган педагогик ставкалар динамикасини таҳлил қилинганда 2009 йилда жами талабалар сони 1361 тани ташкил қилган ҳолда уларга 147 педагогик ставка ажратилганини кўришимиз мумкин.



2.2.7-расм. Давлат гранти бўйича талабалар сони ва педставкалар динамикаси³⁴

³³ Манба Молия вазирлиги

³⁴ Манба Молия вазирлиги

Яъни талабалар ва педагогик ставка нисбати 1:9,26 ни ташкил қилган. 2013 йилга келиб эса бу кўрсаткич 1:10,5 ни ташкил қилган. Бу ўз навбатида педагогик ставкаларни оптималлаштириш орқали эришилган.

Бюджет ташкилотининг 2009 – 2013 йиллардаги республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасидаги бажарилишини қуйидаги жадвал орқали таҳлил қилишимиз мумкин.

2.2.3-Жадвал

Тошкент молия институтининг 2009-2013 йиллардаги бюджет маблағларининг ижроси³⁵

(Минг сўм)

Йиллар	Тасдиқланган режа	Аниқланган режа	Касса	Ҳақиқий харажат
2009 й	2 832 114	2 819 810	2 819 810	2 852 953
2010 й	2 800 783	2 803 104	2 803 104	2 749 451
2011 й	3 574 486	3 554 189	3 554 189	3 679 448
2012 й	4 218 093	4 200 142	4 200 142	4 371 428
2013 й	4 675 219			

Контракт смета харажатлари бўйича:

2009-2013 йиллардаги контракт тўловлари бўйича штат бирликлари ҳамда педагог ставкалар ва улар учун харажатлар миқдори қуйидаги жадвалда акс эттирилган ва смета харажатларида иш ҳақи учун ушбу маблағлар режалаштирилган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек 2010 йилдан бошлаб муассасанинг асосий штат бирлаикларини сақлаш харажатлари контракт тўловлари ҳисобидан қопланиб келинмоқда.

³⁵ Манба Молия вазирлиги

Тошкент молия институтининг 2009-2013 йиллардаги тўлов-контракт маблағларининг ижроси

Минг сўмда

Йиллар	Штатлар сони	Иш ҳақиси	Пед ставкалар сони	Иш ҳақиси	Соатбай иш ҳақи	Рағбатлантириш жамғармаси	Касалликни инобатга олиш	Бошқа	Жами режалаштирилган маблағ
2009	89,5	121028	655	2335925	116796	386062			2959811
2010	485	667161	592	3035899	121436	444266	41473,3	424	4310659
2011	485	933685	520	3651030	146041	545617	51303,3		5327676
2012	484,5	1251255	481	4264872	661865	170595	61780,0		6410367
2013	436,3	1474210	452	5224476	208979	803762	76962,0	193716	7982105

Тўлов-контракт асосида ўқийдиган талабалар сони ва уларга ажратилган педагогик ставкалар динамикасини таҳлил қилинганда 2009 йилда жами талабалар сони 6594 тани ташкил қилган ҳолда уларга 655 педагогик ставка ажратилганини кўришимиз мумкин.



2.2.8-расм. Тўлов-контракт бўйича талабалар сони ва педставкалар динамикаси³⁷

Яъни 2010 йилда талабалар ва педагогик ставка нисбати 1:10,1 ни ташкил қилган. 2013 йилга келиб эса бу кўрсаткич 1:10,5 ни ташкил қилган.

³⁶ Манба Молия вазирлиги

³⁷ Манба Молия вазирлиги

Контракт тўловлари тушумлари ҳисобидан 5 %и Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигидаги мавжуд олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилиб келинади, қолган маблағлар эса муассасанинг педагог ва хўжалик ходимларининг иш ҳақлари учун ҳамда муассасанинг моддий техника бажасини ривожлантириш мақсадида сарфланади. Контракт тўловларидан тушган маблағларнинг 1 октябргача тушиши керак бўлган маблағнинг 1/3 қисми келгуси йил учун, йил бошига қолдиқ сифатида смета харажатларида режалаштирилади.

Бюджетдан ташқари маблағлари(РЖ, БММЖ):

Ушбу бюджетдан ташқари маблағлар шаклланиши яъни, **РЖ** - маблағлари муассасанинг бўш турган биноларини ижарага бериш, ҳомийлик, малака ошириш курсларидан тушган маблағлар ҳисобидан шаклланиб (тушум мақсади кўрсатилмаган бўлса) 414-сонли қарор асосида харажатлар амалга оширилади, **БММЖ** – маблағлари эса босмаҳона, газета, ётоқхона, металл, лагер ва бошқа манбалар ҳисобидан шаклланиб, муассаса раҳабарияти томонидан(тушум мақсади кўрсатилмаган бўлса) муассаса харажатлари учун йўналтирилади.

2.2.5-Жадвал

Тошкент молия институтининг 2009-2013 йиллардаги бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари³⁸

(минг сўмда)

Йиллар	Қолдиқ		Даромадлари	Харажатлари	Касса	Ҳақиқий харажат	Қолдиқ	
2009 й	01.01.09 й	48145	68938	75100	73914	73914	43169	01.01.10 й
2010 й	01.01.10 й	43169	30619	17725	17284	17284	56504	01.01.11 й
2011 й	01.01.11 й	56504	651238	693502	181991	98444	525750	01.01.12 й
2012 й	01.01.12 й	525750	797453	1155420	1035187	1104360	288016	01.01.13 й
2013 й	01.01.13 й	288016	220000	505300				

Юқоридагилардан ташқари Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436 сонли «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан

³⁸ Манба Молия вазирлиги

диссертация лойиҳалар учун Молия вазирлиги томонидан маблағлар ажратилади ва ушбу маблағлар диссертациячиларга ҳамда уларнинг жорий харажатлари учун сарфланади.

2.2.6-Жадвал

Тошкент молия институти томонидан 2009-2012 йилларда Давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилган илмий лойиҳалар³⁹

№	Лойиҳалар амалга оширилган йиллар	Лойиҳалар сони	Ажратилган бюджет маблағлари ҳажми минг. сўмда
1.	2009 йил	5 та	44 509
2.	2010 йил	5 та	69 613
3.	2011 йил	6 та	101 403
4.	2012 йил	7 та	166 597
5.	2013 йил	7 та	205 877

Юқоридаги статистик маълумотлардан, ҳамда ОТМларининг умумий маълумотларига асосланган ҳолда харажатларни ОТМлари индикаторлари билан боғлиқлигини регрессион таҳлили олиб борилди.

2.2.7-Жадвал

Тошкент молия институтининг 2009-2013 йиллардаги бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ижроси⁴⁰

(минг сўмда)

Йиллар	Қолдик		Даромадлари	Харажатлари	Касса	Ҳақиқий харажат	Қолдик	
2009 й	01.01.09 й	44063	1486251	1471791	1460874	1494917	69440	01.01.10 й
2010 й	01.01.10 й	69440	1098922	1108623	1068207	1073705	100155	01.01.11 й
2011 й	01.01.11 й	100155	184077	385886	113905	197131	170327	01.01.12 й
2012 й	01.01.12 й	170327	182618	254908	124200	201314	228745	01.01.13 й
2013 й	01.01.13 й	228745	284684	336180				

Умуман хулоса сифатида шуни келтириш мумкинки, Республикада олий таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг бир маромда кетиши ОТМларини молиялаштириш жараёнига ҳам ўзининг ижобий

³⁹ Манба Молия вазирлиги

⁴⁰ Манба Молия вазирлиги

таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, ОТМларининг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси йилдан йилга ошиб бормоқда. Олиб борилаётган молиявий тизимдаги ислохотлар олий таълим харажатларини оптималлаштирилишига, тўлов-контракт маблағларининг ошиб боришига ва шу орқали таълим сифатини оширилишига олиб келмоқда. Шу билан бирга, айрим олий таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағларининг умумий харажатларини қоплаш даражаси 100%дан ортиб кетди.

2.3. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастури натижалари ва иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссаси

Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида аҳоли, хусусан ёшларнинг инсон капиталини шакллантириш ва ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бундай жараённинг жадаллик билан боришига ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига таалуқли бир нечта чора-тадбирлар таъсир кўрсатди. Айнан шу икки омил кенг маънодаги инсон капитали тушунчасини акс эттирувчи қисмлари ҳисобланади. Шу билан бирга айнан инсон капиталининг сифати меҳнат унумдорлигини оширишга ва билимларга асосланган иқтисодиётни шакллантиришга сабаб бўлади. Бунинг натижасида мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётидаги рақобатбардошлик даражасини оширишга имкон яратилади.

Таъкидлаш лозимки, мустақиллик даврида Ўзбекистонда таълим соҳасини чуқур ислоҳ қилиш йўлида кескин қарорлар қабул қилинди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш жараёнида Ўзбекистонда қисқа вақт мобайнида умуман янги таълим модели шаклланди. Ушбу модель ўзида жаҳон мамлакатларининг илғор ишланмалари ва миллий қадриятларга асосланган ҳолда шаклланди. Шу билан бирга ушбу ислохотларнинг асосий натижаси сифатида умум ўрта ва ўрта махсус касбий таълимни оммабоплигини сақланиб қолинишидир. 12 йиллик таълим тизимини жорий этилиши замонавий меҳнат бозорининг

талабларига мос равишда тегишли таълим даражасини беришга қаратилган.

Аҳолини тўлиқ умумтаълим босқичи билан қамроб олишимизга қарамай умуман олганда олий таълим билан қамраб олиш даражаси оқсамоқда. Буни аҳолини олий маълумотга эга қисмининг умумий аҳолидаги улуши билан изоҳлаш мумкин. Бундай ҳолат мамлакат иқтисодиётини техник ва технологик модернизация қилиш жараёнларини чўзилиб кетишига олиб келиши, ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини секинлашишига олиб келиши мумкин. Хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда олий маълумотга эга аҳолини улушидан келиб чиққан ҳолда олий таълим сифатини ошириш иқтисодиётни рақобатбардошлик ва ўсиш даражасини сақлаб қолиш имкониятин яратади. Таълим соҳасини очиқлик, сифати, қамраб олиш даражаларини ошириш, таълим тизимида корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш, ҳамда замонавий билимларга эга ва иқтисодиётни инновацион ривожланишига ҳисса қўшувчи илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш кўзланган мақсадларга эришишга имкон яратади. Бў ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини самандорлигини оширишга имкон яратади. Етакчи мамлакатлар тажрибаси шуни тасдиқлайдики, аҳоли саломатлиги ва билим даражасига йўналтирилган сармоялар иқтисодий ривожланишнинг энг самарали стратегияси ҳисобланади.

Миқдорий кўрсаткичлар билан бирга, Ўзбекистон таълим тизимининг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб унинг сифати ва юқори малакали ўқитувчиларга эгаллиги ҳам ҳисобланади. Ташкилий, молиявий ва таълим қирраларини ўз ичига олувчи чораларни қабул қилинишига қарамай Ўзбекистон олий таълим тизими бугунги кунда ҳали ҳануз меҳнат бозорининг янги талабларига жавоб берувчи малакали кадрларни тайёрлаш каби вазифани бажара олмаяпти.

Ўзбекистон иқтисодиётининг узоқ муддатга мўлжалланган тараққиёти, жумладан уни техник ва технологик модернизация қилиш,

олий таълим сифатини ошириш каби вазифани ҳал этишни талаб этади. Бу ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини рақабатбардошлик даражасини янги босқичга чиқаради.

Дунё мамлакатларининг ялпи ички маҳсулотида таълим учун харажатлар улуши ўртасида катта фарқ бор. Тинч океани ҳудудидаги оролда жойлашган Маршалл ороллари давлатида ялпи ички маҳсулотга нисбатан таълим учун умумий сарф-харажатларнинг энг кўп, 15 фоизи сарфланиши кузатилган. 2004 йилда ушбу давлатдаги бу кўрсаткич Экваториал Гвинеядаги шундай кўрсаткичдан 25 баравар ошди — 0,6 фоиз. Таълим учун энг кўп маблағ бой мамлакатларда сарфланмоқда.

Биринчидан, ушбу давлатларда шу мақсадлар учун давлат харажатлари улуши (ўртача 5,6 фоиз) жаҳондаги ўртача даражадан қарийб тўртдан бир хисса (4,4 фоиз) ва инсон ривожланиши даражаси паст бўлган давлатлар кўрсаткичидан тахминан икки бараварга кўп.

Иккинчидан, бой мамлакатларнинг ўзига тўқ яшаётган аҳолисининг асосий қисми таълим хизматлари учун маблағнинг катта қисмини ўзлари тўлашга қодир. Шу сабабли мазкур мамлакатларда таълим учун давлат томонидан ажратилаётган маблағ катта миқдордаги шахсий харажатлар билан тўлдирилмоқда (ялпи ички маҳсулотга нисбатан ўртача 2 фоиз).

Учинчидан, бой мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг бир фоизининг реал ифодаси қолган давлатларга қараганда бир неча, баъзиси эса бир неча ўн баравар кўпдир.⁴¹

⁴¹ Ўзбекистонда таълим: талаб ва тақлиф мутаносиблиги. Тошкент – 2007/2008 й.132-бет.

2.3.1-Жадвал**1995-2013 йилларда олий таълим харажатларининг ЯИМ га
нисбати⁴²**

млрд.сум

Йиллар	Харажатлар	ЯИМ миқдори	ЯИМ га нисбатан %да
1995	2,5	302,8	0,8%
2000	29,1	3255,6	0,9%
2007	249,0	28190,0	0,9%
2008	382,1	37746,7	1,0%
2009	522,5	48097,0	1,1%
2010	651,3	61831,2	1,1%
2011	841,1	77750,6	1,1%
2012	1073,6	96589,8	1,1%
2013	1477,2	99000,0	1,5%

Битирув малака ишида таҳлиллар давомида олий таълимга йўналтирилган давлат харажатлари ва ўз маблағлари харажатлари бўйича бир қанча тўхталиб ўтган бўлсак, энди умумий ҳисобда ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида фақат таълим муассасаларининг ўзига жумладан олий таълим харажатларига тўхталамиз.

Чет давлатлар орасида Испанияда давлат томонидан таълимга ажратилган харажатлар энг юқори 7.21 фоизни, энг паст кўрсаткични эса Руминияда 3.33 фоизни ташкил қилган. Бу борада ўз маблағлари харажатлари энг юқори кўрсаткичи Америка Қўшма Штатларида 2.36 фоизни ташкил этса, Финландияда 0.13 фоиз кўрсаткич билан энг паст натижани талқин этади. Ўзбекистон мисолида бу кўрсаткичлар давлат харажатлари 3.38 фоизни, ўз маблағлари харажатлари 1.54 фоиз ЯИМга нисбатан таққосланади.

Паритет ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган жадвалга асосан таълим муассасаларига йўналтирилаётган маблағларнинг бир ўқувчига қиёсланиши евро ҳисобида қуйидагича натижа беради. Австралияда 8293 евро ҳисобида энг юқори кўрсаткични ташкил қилса, Америка Қўшма Штатларида 1066 евро энг паст натижани ўз ичига олади. Ушбуларни

⁴² Манба Молия вазирлиги

ОТМларига алоҳида қараладиган бўлса, Америка Қўшма Штатларида энг юқори кўрсаткич 20949 еврони ва Руминияда энг паст кўрсаткич 2403 еврони ташкил қилади. Бу борада Ўзбекистонда жами таълим муассасалари бўйича 7148 еврони, олий таълим муассасалари бўйича эс 10324 еврони ташкил қилади.

Юқоридаги учта кўрсаткичларни Ўзбекистон ва чет давлатлар мисолида қараб чиқилганда, Ўзбекистоннинг кўрсаткичлари бу борада, нафақат чет давлатлар орасида балки, ривожланган давлат қатори стабил ва барқарорлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Мустақиллик даврида ўсиб бораётган инсон капитали қайсидир маънода иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадал боришига ўзининг таъсирини кўрсатди. Бунда асосий масала унинг таъсир даражасини аниқ баҳолаш орқали у ёки бу соҳани сифатли ислоҳ қилишга қаратилган таъсирчан чораларни кўриш учун ислохотларнинг йўналишларини аниқлаш асосий вазифа ҳисобланади.

Ўрганилган гипотеза ва ёндошувлардан келиб чиққан ҳолда инсон капитали сифати индексини баҳолаш амалга оширилди ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётини ўсиш даражасига таъсири ўрганилди. Ушбу бўлимда инсон капитали тушунчаси остида унинг кенг қамровли маъноси, яъни таълим ва соғлиқни сақлаш факторларининг сифатини акс эттирувчи характеристикаларидан фойланилган.

Иқтисодий адабиётларда инсон капитали кўп ҳолларда ҳалқаро ташкилотларнинг индекслари билан баҳоланади. Булар жумласига TIMMS, PIRLS, PISA, SACMEQ, PASEC, LLCE, MLA ларни киритиш мумкин. Таълим даражаси сифатини аниқлаш учун PISA (Programme for International Student Assessment)⁴³ кўрсаткичларидан фойдаланилган. Бу ИХТТ (ОЭСР) томонидан 200 йилдан буён ҳар уч йилда амалга ошириладиган таълим сифатини баҳолаш мониторинги ҳисобланади. Ушбу диссертация юқори синф ўқувчилари ўртасида ўқиш, математика ва

⁴³ <http://www.oecd.org/pisa>

табiiй фанлар бўйича билим даражаларини баҳолаш мақсадида олиб борилади.

Инсон капитали индекси сифатида аҳоли саломатлиги ва таълим даражасини ўз ичига олувчи ягона кўрсаткич олинган. Бунда бу икки фактор ҳар хил ўлчов бирликларига эга, ва уларни ягона ўлчов бирлигига келтириш учун қуйидаги формуладан фойдаланилган:

$$Y = X_i - X_{\min} / X_{\max} - X_{\min}$$

Ягона бўлган инсон капитали сифати кўрсаткичини олиш учун умумий ўлчов бирлигига келтирилган икки кўрсаткичларнинг ўртача арифметик миқдори олинади. Бизнинг ҳолда инсон капиталининг таъсир этмайдиган ўзгарувчиси сифатида (НСҚ) таълим ва соғлиқни сақлашни сифат кўрсаткичлари олинган:

$$НСҚ = (EQI + HQI) / 2$$

бу ерда, EQI – таълим сифати индекси, HQI – саломатлик сифати индекси.

Бошланғич таҳлил шуни кўрсатадики, инсон капитали индекси давлат институтларининг сифати билан кучли корреляция бoғлиқликга эга (CPI)⁴⁴, чунки таълим тизими давлат бошқарув тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади, ҳамда олий таълим билан қамраб олиш индекси (tertiary education) ва умр кўриш даражаси (life expectancy) билан бoғлиқ.

Олинган натижалар асосида инсон капиталининг иқтисодий ўсишга таъсир даражасини баҳолаш имконияти яратилади. Бунинг учун Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясининг инструментарийсидан фойдаланилган ҳолда аниқланади.

$$Y_t = A_t * K_t^a * (L_t * H_t)^{1-a}$$

$$\text{ёки } d\ln Y_t = d\ln A_t + a * d\ln K_t^a + (1-a) * d\ln L_t + (1-a) * d\ln H_t$$

бу ерда, K_t – асосий воситалар, L_t – ишчи кучлари сони, H_t – инсон капитали сифати факторлари ва A_t – умумий самарадорлик факторлари

⁴⁴ Corruption Perceptions Index — ежегодный рейтинг государств мира, отражающий оценку уровня развития госинститутов по 10 бальной шкале. <http://www.transparency.org>

TFR. Бу ерда **a** параметри Ўзбекистон учун хос тарзда, олиб борилган диссертациялар натижаси **0.25** га тенглиги белгиланган.⁴⁵

Олиб борилган диссертациялар натижалари шуни кўрсатадики инсон капиталнинг иқтисодий ўсишга таъсири сезиларли эмас ва айрим ҳолларда унинг таъсири тескари йўналишга эга. Бунинг сабаби, ҳали ҳануз иқтисодиётда юқори малакали ишчи кучларига бўлган талабнинг камлиги. Бу ўз навбатида меҳнат ресурсларида юқори академик билим олишга қизиқишларни пасайишига олиб келади. Шу билан бирга иқтисодиётимизда юқори технологияларга асосланган қайта ишлаш тизимлари шаклланмаган ёки уларнинг улуши жуда кам. Бунинг натижасида умуман таълим тизимида академик стандартларни ва таълим даражасини оширишга бўлган эҳтиёж сусаймоқда. Масалан, айрим натижаларга тўхталадиган бўлсак, 2000-2004 йилларда инсон капитални сифатининг иқтисодий ўсишга таъсири ўртача 12%ни ташкил этди, ваҳоланки ЯИМнинг ушбу даврдаги ўртача ўсиш суръати атиги 4,9%ни ташкил этди. Инсон капитали сифатининг бундай юқори даражада таъсир кучига эга эканлиги йиғилиб борувчи сабаблар билан тушунтирилади. Шу билан бирга кейинги 2005-2009 йилларда ўртача йиллик иқтисодий ўсиш суръатларининг 8,2% ни ташкил этиб турган бир пайтда инсон капитали сифатининг иқтисодий ўсишга таъсир даражаси манфий даражага тушиб кетди. Бу жараён ўз навбатида асосий миграция ишчи кучлари миграциясига айланиши ва бунинг натижасида иқтисодиёт тармоқларида меҳнат ресурсларини қисқариб кетиши билан тушунтирилади. Шу билан бир қаторда таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларида олиб борилаётган ислохотлар энди ўзини авжига кираётган даврни ва бу билан инсон капитали сифатига 2000 йилдан бошлаб энди таъсир кўрсатишни бошлаётган давр деб ҳисобласак бўлади.

⁴⁵ Хамидов Б. «Проблемы оценки общей производительности факторов для Узбекистана». Материалы Всероссийской конференции «Моделирование в задачах городской и региональной экономики», Санкт-Петербург

Аммо жуда паст таъсирнинг сабаби фақат бунда эмас. айрим сабаблар сифатида таълим тизимида амалга оширилган институционал ўзгаришларнинг таъсири ҳам ўз аксини топган. Ўзбекистоннинг ўрта махсус ва касбий таълимнинг янги стандартларига ўтилгани сабабли олий маълумотга эга аҳоли улуши кескин камайиши кузатилмоқда. Қисқа вақт ичида тармоқлараро мутаносиблик ва меҳнат ресурслари бозоридаги талаб-таклиф ўртасидаги мувозанатни тубдан ўзгаришига олиб келди.

Ҳозирги кунда меҳнат бозорида ўрта-махсус касбий билимга эга мутахассисларга бўлган талаб юқори. Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари бўйича юқори натижаларга эга бўлган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики ўрта махсус таълим мамлакат иқтисодиётини индустриалаштириш жараёнларини тезлаштиришнинг муҳим асоси ҳисобланади. Аммо шу билан бирга юқори технологик ишлаб чиқаришга асосланган иқтисодиётни ташкил этиш учун эса ўз навбатида олий таълим соҳасига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.

Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, Ғарбий Европа миллий бойлигининг таркибида асосий ишлаб чиқариш фондлари (бинолар ва иншоотлар, машина ва жиҳозлар) ва табиий ресурслар жами 23,2 фоизни ташкил этса, инсон капитали 74 фоизга тенг. Шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатлар ва маҳаллий илғор корхоналар тажрибасига кўра, персоналга инвестиция киритиш юқори натижалар беради. Ҳозирги кунда инсон ресурсларига киритилган 1 АҚШ доллари ўртача ҳисобда 3 доллардан 8 долларгача даромад олиб келади⁴⁶

Олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, таълим сифатини ошириш Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунга келиб ушбу ҳол мамлакат иқтисодиётининг кейинчалик ривожланиши учун катта аҳамият касб этади. Иқтисодиётни модернизация қилишнинг ҳозирги даврида Ўзбекистонда таълим сифатини ошириш, унинг барча бўғинларини мутаносиб ривожлантириб бориш унинг иқтисодий ўсиш

⁴⁶ Р.Нурибетов, Бошқариш самарадорлигини баҳолаш. Жамият ва бошқарув, 2010 йил 4-сон.

даражасига таъсири ва охир-оқибат иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражасини оширишга имкон яратади.

III БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Олий таълим муассасаларини харажатларини режалаштириш ва молиялаштиришдаги мавжуд муаммолар

Олий таълим муассасаларини молиялаштириш тизимида сўнги йилларда кенг кўламли ишлар олиб борилди. Хусусан бизнинг диссертация ишимизда чуқур ёритилиб берилган жон бошига асосланган ҳолда молиялаштириш тизимининг жорий этилиши олий таълим муассасаларининг мустақиллигини ошириш, давлат бюджети томонидан ажратиладиган маблағларнинг шаффофлигига эришиш каби ютуқларга имкон яратди.

Аммо шу билан бирга, ҳозирда ОТМларини молиялаштиришда, бир неча муаммолар борки, уларни қисқа муддат ичида ҳал этиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида харажатлар классификацияда 4 та гуруҳларга бўлинган. Яъни I-гуруҳ (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар), II-гуруҳ (иш ҳақидан ажратмалар), III-гуруҳ (капитал харажатлар), IV-гуруҳ (муассасани сақлаш ва бошқа харажатлари бензин, коммунал.ва ҳ.)лардир. Ушбу тақсимот бўйича бюджет ташкилоти томонидан маблағлар тақсимланиши кўрсатилган бўлса ушбу маблағларга киритиладиган ўзгаришлар ҳар биттаси молия органининг назоратида туради ва шу томондан бюджет ташкилотига мустақиллиги чекланган. Молия органлари томонидан классификация бўйича тасдиқланган харажатларни муассаса томонидан ўзгартириш киритиш ёки бошқа зарур бўлиб қолган харажатларга сарфланишига рухсат берилмаслиги кўзда тутилган. Бунинг оқибатида бюджет ташкилоти тегишли тартибда ўзгартириш киритишга рухсат сўраб молия органига мурожаат қилиб, молия органи томонидан программага ўзгариш киритиши учун ортиқча вақт ва унга кетадиган қоғоз, электр энергия ва бошқа харажатлар амалга оширишга мажбур бўлади.


ОТМларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, гуруҳлардан гуруҳларга маблағларни кўчира олмаслик бевосита ўқув жараёнига салбий таъсир этиши мумкин яъни, бирон бир мутахассислик бўйича кафедрада ўриндошлик асосида таълим берувчилар ҳисобига иш ҳақи бўйича иқтисодга эришилса, бу маблағларни ўқув жараёнига янги технологияларни киритиш мақсадида компьютер ва мультимедиа анжомлари сотиб олиш имконияти бўлмайди. Бунинг учун, юқорида таъкидлаганимиздек, албатта молия органларига мурожаат қилиб, тегишли тартибда сметага ўзгартиришлар киритиш лозим. Лекин бу ўз навбатида анча вақтни талаб қилишни инобатга оладиган бўлсак, қабул қилинган қарор шу йилдаги талабалар учун наф келтирмаслиги мумкин ёки ўқув жараёнида оқсашларни кузатишимиз мумкин.

Яна бир муаммо сифатида ҳозирда бюджет харажатларини самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланмайди ва мониторинг қилинмайди. Ҳаммага маълум, бюджет тизими ривожланишида самарадорлик энг юқори аҳамият касб этади. Бюджетни режалаштиришдан бошлаб уни ижроси давомида ҳисоботларда барчаси акс эттирилади, лекин ўтган йиллардаги харажатлар ва жорий йилдаги амалга оширилаётган харажатларни самарадорлиги аниқлаш индикатори мавжуд эмас.

Масалан, хорижий тажрибага асосланган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, олий таълим муассасаларини молиялаштиришга ЯИМга нисбатан 3-3,5% миқдордаги маблағларни йўналтирилиши олий таълимнинг иқтисодий ўсиш даражасига таъсирини янада кучайтириши ҳамда иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтиш имкониятини яратиб беради.

Аммо бу кўрсаткични ҳисоблаш учун албатта кўпгина кўрсаткичларни ўрганиб уларни ҳисобини олиб бориш керак. Ўзбекистонда макроиқтисодий даражадаги қарашларга асосан 2013 йилда олий таълим харажатлари ЯИМнинг 1,5%ни ташкил этади. Аммо бу билан

Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим харажатларини самарадорлиги ривожланган мамлакатлардаги харажатларга нисбатан паст дея олмаймиз.



3.1.1-расм. Хорижий мамлакатларда олий таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми⁴⁷

Буни аниқлаш учун, албатта қўшимча индикаторлардан фойдаланиш талаб қилинади. Масалан, ОТМларида рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш лозим. Шу билан бирга инсон капиталини иқтисодий ўсиш суръатларига таъсирини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Шундай индикаторлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин. ОТМларда талабаларнинг таълим олиш сифати ва уларнинг илмий ишларининг ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиниши оқибатида иқтисодиётга бераётган ижобий самарадорлигини ОТМларни битираётган кадрларнинг сифати орқали аниқлаш яхши натижа бериши мумкин. Самарадорлиги юқори ОТМларда квоталарини кўтариш орқали бир талабага нисбатан ажратилаётган маблағларни кўпайтириш мумкин. Бу эса ОТМларнинг жорий харажатлари ва бошқа харажатларини кўпайиши ҳамда моддий техника базасини кенгайтириш билан бир қаторда ривожлантиришига олиб

⁴⁷ Статистика қўмитаси

келади ҳамда ОТМлари раҳбарларининг таълим сифатини яхшиланиши учун жавобгарликларини ва ҳуқуқларини оширади.

ОТМларда харажатларни режалаштириш бир йилга, яъни 1 январдан 31 декабргача бўлган даврда режалаштирилади. Ушбу режалаштириш бюджет муассасалари учун, айниқса ОТМлар учун жуда қисқа муддат, чунки 3-4 ой давомида ОТМларда штатлар жадвали ва смета харажатларини тузиш учун вақт сарфланса, унинг ижросини амалга ошириш ҳамда таҳлил қилиш учун қолган 8-9 ой камлик қилади. Бунинг оқибатида молиявий хато-камчиликларнинг кўпайиши ҳолатлари вужудга келади.

ОТМларда харажатларни режалаштиришни илмий ишимизнинг 2 бобида ёритиб айрим ОТМларнинг 2009 йил ва 2013 йиллардаги режалаштиришнинг афзалликлари харажатлар нормативлари асосида қиёсланди.

Масалан: 2009 йилга нисбатан 2013 йилда режалаштириш нормативлари билан ҳисобланганда;

Қарши Давлат университети 2009 йилда **664 429.0** минг сўм кам режалаштирилганлигини, Наманган Давлат университети 2009 йилда **707 148.0** минг сўм кам режалаштирилганлигини, Ўзбекистон Давлат консерваторияси 2009 йилда **1 082 592.0** минг сўм кам режалаштирилганлигини, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети 2009 йилда **13 900.0** минг сўм кам режалаштирилганлигини кўриш мумкин.

Бундан кўриниб турибдики, бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига ОТМларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби ОТМлар учун фойдали ҳамда самарали. Шу билан бир қаторда ушбу тартибда молиялаштиришда ҳам бир қатор камчиликлар мавжуд, яъни ҳар йили ишлаб чиқиладиган “БН31, БН32, БН33” харажатлар нормативларида шаффофлик мавжуд эмас. Бунинг натижасида ОТМларда маблағларни ҳисобини олдиндан олиш имкони мавжуд бўлмайди ва шу орқали

харажатларини самарали ишлатишга бўлган қизиқиши пасаяди. Юқоридаги нормативларни ҳисоблашда аниқ бир тартиб белгилаб берилган ҳолда ОТМларни талабалар сонидан келиб чиққан ҳолда сифатини оширишга қизиқиш ортиб боради.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек ОТМларнинг умумий харажатларини талабалардан тушган контракт тўловлари 2007 йилда 42.9 % ини қоплаган бўлса, 2013 йилга келиб эса умумий харажатларнинг 53.8 % қёки 10.9 % ўсишга эришилган. Бу ОТМлар томонидан ўз-ўзини қоплаш даражаси ўсганлигини кўрсатади. Бу ерда давлат томонидан аралашувни умумий бошқарув ва бюджет маблағлари орқали кўришимиз мумкин. Ривожланган мамлакатларда ОТМларда бюджет маблағларидан молиялаштириш қисқариши билан бир қаторда муассаса харажатларини ўз маблағлари орқали амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ОТМлар ўзининг ўқитиш сифатини оширишга доимо ҳаракат қилишади.

Ўзбекистон олий таълим тизимида бюджет ва контракт квоталарини тақсимланишида чекловлар мавжуд яъни, одатда 20 июлгача ОТМга ҳужжат топширган абутуриент Давлат тест синовларидан ўтганлари маълум миқдорлари давлат грантлари асосида, маълум миқдорлари контракт тўловлари асосида талабалик сафига қабул қилинади. Қолган абутуриентлар эса талабалик сафига қабул қилинмайди. Бунинг натижасида аҳолининг олий таълимга бўлган талаби қондирилиши қисқаради ва шу билан бирга ОТМларда маблағларнинг чекланишига олиб келади. Бу ўз навбатида чекланган таклифга нисбатан чексиз талабнинг номуносивлигига олиб келмоқда. Бунинг натижасида талабаларни қабул қилиш жараёнида турли хил қонунбузарликлар кузатилмоқда.

ОТМларда давлат томонидан бошқарувни ушлаб турган ҳолда маблағларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тарафидан ўз мустақиллигини таъминлаш зарур. Бунда зарурий ҳолларда ОТМлар томонидан жамғармалар ҳамда ссуда ёки қарз мажбуриятларини жалб қилишга имкон яратиш. Мисол учун 2007-2013 йилларда атиги икки йилда

ссуда жалб қилинганлигини кўришимиз мумкин, яъни 2008 йилда 34.6 млрд.сўм, 2009 йилда 4.0 млрд.сўмни ташкил қилган.

ОТМларининг иқтисодий бақувват ташкилот сифатида шакллантириш учун уларга молиявий менеджментнинг асосий тамойилларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратиб бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга 2010 йилда жорий қилинган молиялаштиришнинг янги тизими, бир томондан давлат ва иккинчи томондан ОТМ маъмурияти ва ўқитувчилар ўртасида муносабатларнинг кескинлашувига олиб келмоқда. Давлат институционал самарадорликни, жамиятнинг кадрларга бўлган талабини қондириш даражасини, битирувчиларнинг ишга жойлашувини ва ресурсларнинг сарфланишини ўлчайдиган кўрсаткичларга эътибор бермоқда. Ўз навбатида, университетлар маъмурияти ва ўқитувчилар ўз тажрибаларининг хусусиятларини ва конкрет ОТМнинг миссиясини ақс эттирадиган баҳолаш методларини кўллаб-қувватлашмоқда.

Шу билан бирга, давлат ва ОТМ ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўзгармоқда, ОТМ молиявий ва иқтисодий қарорларни қабул қилишга жалб қилинмоқда. Бу жуда катта ўзгариш ҳисобланади. Айрим ОТМ ўз дастур ва бюджетларини назорат қилишда катта ҳуқуқларни бериб, давлат бир вақтнинг ўзида иқтисодий самарадорликни, кадрлар тайёрлаш сифатини, ўқитишнинг оммавийлик даражасини ва ОТМ раҳбариятининг жавобгарлигини ошириш мақсадида олий таълим тизимига тўғридан тўғри аралаштириш ҳуқуқини ўзига сақлаб қолмоқда.

Амалдаги молиялаштириш тизими ОТМлари ўртасидаги рақобатни рағбатлантирмайди, бу ўз навбатида таълим сифатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, ОТМларни молиялаштиришда уларнинг сифат кўрсаткичлари инобатга олинмайди. Масалан, ОТМлари битирувчилари қай йўсинда иқтисодиётга ўзининг фойдасини келтираётгани, уларнинг қай даражада иш билан таъминланаётгани

тўғрисидаги мониторинг олиб борилмаяпти. Ҳозирги кунда фақат давлат грантлари асосида ўқишни битирган талабаларгина ўз дипломларини уч йиллик стажга эга бўлганларидан кейингина олишлиги мумкинлиги белгилаб қўйилган. Аммо, ушбу талабалар қанчалик шу меҳнат фаолияти давомида ўзининг билим ва кўникмалари билан ўша субъект фаолиятига ҳисса қўша олаётгани ҳисобга олинмайди.

3.2 Олий таълим харажатларини режалаштириш тартибини такомиллаштириш йўллари

Юқорида келтирилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида олий таълим муассасаларини молиялаштириш тизимида айрим ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, йил бошида маблағлар режалаштирилишида молия органи томонидан жорий харажатлар ва ташкилотнинг бошқа харажатлари сифатида харажатлар сметасида режалаштириш. Бунда, жорий харажатларга ОТМда таҳсил олаётган талабаларни ўқитиш харажатлари, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш ҳақидан ажратмалар, коммунал харажатлари ва бошқа харажатлар киритилади, ушбу маблағларнинг қатъий белгиланиши ҳамда бошқа харажатларни эса муассаса томонидан мустақил тақсимланиши, зарурий ҳолларда уларни моддалар бўйича ўзгартириш ва барча жавобгарликни таълим муассасасининг маъсул ходимлари зиммасига қолдириш керак. Шу билан ОТМнинг ўзи ушбу маблағларни эҳтиёжидан келиб чиқиб тақсимлаши, яъни, ОТМнинг таклифига кўра юқори органи томонидан тасдиқланган ўрта муддатли 3 йиллик манзилли дастурга асосан режалаштириб молиялаштириш, кетма-кет харажатларни амалга ошириш давомида уларнинг самарадорлигини ошириш манзилли дастурнинг бажарилиш ҳамда унинг самарадорлигини ҳам кўриш мумкин. Ушбу бюджет ташкилоти мустақиллигини ҳамда унинг жавобгарлигини оширади. Бунинг оқибатида молия органларининг жавобгарлигини камайтиришга

эришилади, мисол қилиб оладиган бўлсак, Ўзбекистонда 77 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлса, 3-4 та ходим томонидан ундаги амалга оширилаётган харажатларни ҳисоботлар асосида таҳлил қилиш мумкин, лекин ички назоратни амалга ошириш имкони мавжуд эмас.

ОТМларда режалаштириш ўрта муддатли манзилли дастурларга асосан 3 йиллик қилиб амалга ошириш, яъни биринчи йили режалаштириш, иккинчи ва учинчи йиллари ишлаб чиқилган индикатор орқали харажатларни самарадорлигини аниқлаш ва шунга асосан режалаштиришни давомийлигини таъминлаш. Молиялаштириш яқунланган тўртинчи йили эса режалаштириш ҳамда амалга оширилган харажатларни самарадорлигини аниқлаш. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки ОТМларда ушбу 3 йил давомида назорат қилувчи органларнинг аралашувини камайтиришни таъминлаш ҳам шарт. Бунинг учун албатта умуман давлат бюджетини режалаштиришнинг ўрта муддатга шакллантириш талаб этилади.

Таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш учун индикаторни ҳисоблашда ОТМларда талабаларнинг таълим олиш сифати ва уларнинг илмий ишларининг ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиниши оқибатида иқтисодиётга бераётган ижобий самарадорлиги, ОТМларни битираётган кадрларнинг сифати орқали аниқлашни жорий қилиш керак. Самарадорлиги юқори ОТМларда квоталарини кўтариш орқали бир талабага нисбатан ажратилаётган маблағларни кўпайтириш ва шу орқали ОТМлар ўртасида рақобатни кучайтиришга эришиш мумкин. Бу эса ОТМларнинг жорий харажатлари ва бошқа харажатларини кўпайиши ҳамда моддий техника базасини кенгайтириш билан бир қаторда ривожлантиришга олиб келади.

Ўрта муддатга режалаштириш тамойили албатта натижага йўналтирилган бюджетлаштириш асосида амалга оширилиши лозим. Бунда ОТМнинг юқорида таъкидлаб ўтилган рейтинг баҳолари асосида жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Олий таълим натижалари тез аниқлаш имконияти йўқлигини ҳисобга олган ҳолда, бошланғич босқичда талабаларнинг рейтинг натижалари асосида молиялаштиришни ташкил қилиш лозим. Таълим жараёнининг биринчи 5 йиллигидан сўнг талабаларнинг ишга жойлашувини акс эттирувчи индикаторни жорий этиш орқали эса ОТМ тайёрлаган мутахассиснинг иқтисодиётга нафини аниқлаш билан олий таълим муассасасини белгиланган натижага эришганига баҳо бериш имконияти туғилади.

ОТМларини молиялаштиришни такомиллаштиришда фақат ОТМ фаолиятдан келиб чиққан ҳолда эмас, балки уларнинг битирувчиларига нисбатан иш берувчиларнинг хулосаларидан келиб чиққан ҳолда молиялаштиришни ташкил этиш сарф этилаётган харажатларнинг самарадорлик даражасини оширишга имкон яратади. Молиявий режалаштириш жараёнида индикаторлардан кенг фойдаланиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга олий таълим харажатларини режалаштиришда шаффофликни таъминлаш мақсадида ҳозирги кунда амалда қўлланилиб келинаётган жон бошига нормативларни белгилашнинг умумбелгиланган тартибини ишлаб чиқиш лозим.

Бунинг учун амалда қўлланилаётган талабалар сони ва педагогик ставкалар ўртасидаги боғлиқлик, коммунал тўловлар бўйича бино ва иншоотларнинг ҳақиқий ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш, бошқа харажатларни санитар меъёрларга асосланган ҳолда белгилашни жорий этиш лозим.

Масалан, талабалар сони ва педагогик ставкалар ўртасидаги меъёрлар тасдиқланган. Аммо бир талаба учун мутахассисликга боғлиқ ҳолда белгиланган коммунал хизматлар меъёрлари ишлаб чиқилмаган. Белгиланган тартибга асосан ОТМлари 9 гуруҳга бўлган ҳолда ҳар бир талабани олий маълумот олиши учун сарф этиладиган электр энергия ва бошқа коммунал тўловлар меъёрларини белгилаш лозим. Бунда

лабаратория ускуналаридан фойдаланиш талаб этиладиган мутахассисликларда, яъни техник билим юртларида электр энергия сарфи гуманитар билим юртларга нисбатан юқорироқ бўлиши кўзда тутилиши лозим.

Худди шундай бошқа харажатларда ҳам ОТМнинг профилидан келиб чиққан ҳолда тегишли харажатларни амалга ошириш меъёрларини ишлаб чиқиш лозим.

Олий таълим тизимида бюджет грантлари асосида талабалар квотасини белгилаш лекин контракт тўловлари асосидаги талабалар квотасини чекламаслик лозим. Белгиланган тартибда қабул жараёнида муддатида ҳужжат топширган абутуриентлар Давлат тест синовлари асосида Давлат грантларида таҳсил олувчилар сонини аниқланган ҳолда қолган талабалар эса талабанинг ҳоҳишига кўра контракт тўловлари асосида талабалик сафига қабул қилинишини таъминлаш керак. Лекин ушбу талабаликка қабул қилинганларнинг барчасига ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бир хил тартибда жорий қилиниши, ўқишни давом эттира олмаган талабаларни талабалар сафидан четлатилиши лозим. Бунинг натижасида аҳолининг олий таълимга бўлган талаби қондирилади, олий маълумотли кадрларни сифати ошади ва шу билан бирга ОТМларда маблағларнинг кўпайиши ўз харажатларини қоплаш даражаси ошади.

Шу ўринда, давлат грантлари асосида ўқишга қабул қилинган талаба ўқиш давомида грант асосида ўқиши кафилланмаслиги лозим. Талабалар ўртасида эркин рақобатни жорий қилиш мақсадида энг кам рейтинг баҳога эга бўлган давлат грантлари асосида ўқувчи талабаларнинг 10%и мос равишда энг яхши рейтинг баҳосига эга тўлов-контракт асосида ўқувчи талаба билан ўқиш шартларини алмаштириши ва тўлов-контракт асосида ўқишга ўтказиш масаласини кўриб чиқиш, талабаларнинг билим олишга интилишига туртки бўлиши мумкин.

Олий таълим тизимида таҳсил олаётган кадрларни яхши билим олиши ҳамда маблағларни тежалашини таъминлаш мақсадида ОТМларда

таҳсил олаётган талабаларнинг рейтинг балларини инобатга олган ҳолда умумий ҳисобда бир академик йил давомида 3 баҳога ўқийдиган талабаларга ўзлаштириш даражаси яхшиланмагунга қадар стипендия беришни тўхтатилса, юқорида таъкидлаганимиздек ҳар тарафлама сифат ва тежамкорликка эришилади.

Давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида ўқувчи талабалар ўртасидаги рақобатни кучайтиришнинг яна бир усули сифатида диссертация ишида кўриб чиқилган Норвегия тажрибасидан фойдаланиш бизнинг фикримизча ижобий натижа бериш мумкин.

Норвегия тажрибасига асосан давлат томонидан квоталар белгиланиб, белгиланган квоталар учун маълум миқдордаги маблағлар ажратилади. Бунда энг асосий хусусияти шундан иборатки, давлат талабанинг ўқиши учун жами харажатларни қопламайди, балки харажатларнинг фақатгина 25% давлат бюджети томонидан қопланиб берилади. Қолган қисми талабанинг ўзи ўз маблағлари ёки кредит маблағлар ҳисобига молиялаштирилади.

Албатта бундай тизимни киритиш учун банк соҳаси ҳам ривожланган бўлиши талаб этилади ҳамда талабаларнинг кредит мажбуриятлари бўйича таъминот манбаларига эга бўлиши лозим. Агар талаба таъминот манбаига эга бўлмаган тақдирда давлат томонидан имтиёзли кредит линиялари шакллантирилади ва талабаларга берилади.

Бунинг натижасида нафақат давлат, балки талабанинг ўзи ҳам яхши билим олиш ва шу орқали олий маълумотли бўлгандан сўнг яхши даромад олувчи ишга киришга қизиқиши ортади. Бу тажрибанинг яна бир афзаллиги шундаки, ОТМлари ҳам ўзининг контингентини доимий равиш ошириш мақсадида таълим сифатини кўтариб боради.

Университетлар фондларининг асосий қисми ҳар хил давлат грантларига асосланади. Миллий диссертация кенгаши ҳар йили университетларга йирик грантлар ажратади. Ушбу грантлар

университетнинг диссертация харажатларининг асосий қисмини молиялаштириш имконини беради.

Университетлар бюджетини шакллантиришдаги асосий кўрсаткич бу талабалар сони ҳисобланади. Сўнгги 15 йил давомида талабалар сони икки баробарга ошди, аммо ҳозир улар сони камайиб бормоқда.

Университетлар учун янги иншоатлар қуриш масаласи парламент томонидан алоҳида қараб чиқилади. Бу харажатлар университет харажатларида кўринмайди, чунки бу харажатлар вазирлик томонидан умумий харажатлар таркибидан молиялаштирилади.

Маблағларни натижага асосланган ҳолда тақсимлаш Норвегия учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Университетлар ажратилган маблағларни бемалол бошқа модда харажатларига йўналтиришлари мумкин. Молиявий чегараларни олиб ташланиши ва ташқи молиялаштириш манбаларининг ортиб бориши университетларнинг молиявий бошқариш тизимини тубдан ўзгартирди.

Умуман олганда университетлар кенг мустақилликга эга. Аммо вазирлик асосий сиёсий ва стратегик қарорлар қабул қилиш, яъни мутахассисликлар бўйича талабалар сонини аниқлаш ва ҳар бир факультетдаги умумий талабалар сонини чеклаш каби қарорлар қабул қилади

ОТМларда умумий қилиб айтганда, харажатларини режалаштиришда эркинлигини таъминлаш, яъни зарурий ҳолларда қарз маблағлари жалб қилиш унинг сарфи ва назорати ҳамда жавобгарлиги ОТМнинг зиммасидаги вазифага киритилиб белгиланган тартибда ваколатлар бериш билан мустақиллигини таъминлаш. Ушбу кўрсаткич билан харажатлар самарадорлигига эришиш ва даромадлар давомийлигини таъминлаш мумкин.

ХУЛОСА

Республикада иқтисодий ислохотлар ўтказиш даврида таълим тизимини молиявий соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши, бюджетдан ташқари маблағ, яъни тадбиркорлик фаолиятидан маблағларни жалб этиш ҳисобига молиялашнинг янги манбаидан фойдаланиш ҳисобланади. Бу чора олий таълимни жаҳон миқёсида ривожлантиришнинг объектив қонунияти ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлардан таълим соҳасидаги давлат иштироки ва моделларини ўрганиш орқали қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

- олий таълимни молиялаштириш ўзининг муқобил манбаларига эга. Бунга ҳам жамиятнинг ҳам таълим тизимининг жамоат институти сифатида ривожланиб бориши билан боғлиқ;

- олий таълим технологик жиҳатдан юқори даражадаги ва билимларга асосланган иқтисодиётда марказий ўрин эгалламоқда. Олий таълим индивидуал, ижтимоий ва иқтисодий мобиллаштиришнинг двигатели бўлиб ҳисобланади;

- айрим мамлакатлар тажрибаси, яъни таълимга бўлган талабнинг ортиб бориши таълим соҳасини молиялаштиришни такомиллаштиришга замин яратмоқда;

- олий таълим соҳасининг давлат молиялаштириш тизимига боғлиқ қисмининг молиявий ҳолатининг ёмонлашуви кузатилмоқда;

- маблағларни самарали фойдаланишлик даражаси тўғридан-тўғри талабанинг таълим олишга бўлган қизиқишининг имкониятлари билан мос келиши билан боғлиқ.

Шундай экан, Ўзбекистонда таълим тизимининг молиявий бошқарувини такомиллаштириш орқали малакали кадрлар тайёрлашнинг янгича бошқарув тузилмаларини ташкил этиш ва бошқарувнинг замонавий шакл ва усулларидан фойдаланиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бунинг учун, аввало, таълим тизимини давлат томондан молиявий кўллаб-қувватлаш, мавжуд маблағлардан самарали фойдаланиш ҳамда таълим муассасаларига бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишни такомиллаштириш муҳим ўрин тутди.

Республикада иқтисодий ислохотлар ўтказиш даврида таълимни молиявий соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши бюджетдан ташқари маблағлар, яъни тадбиркорлик фаолияти орқали маблағларни жалб этиш ҳисобига молиялашнинг янги манбаидан фойдаланиш ҳисобланади.

Яна шуни таъкидлаш мумкинки, Низомга мувофиқ тақсимланган ОТМларида биринчи гуруҳдан тўққизинчи гуруҳгача бўлган ОТМларда давлатнинг стратегик истиқболларидан келиб чиққан ҳолда мос равишда тўлов-контракт асосида талабалар сони ортиб бормокда.

9- гуруҳ бўйича ҳам буни кузатишимиз мумкин. Яъни контракт тўловлари бўйича талабалар сонининг ўсиши ва мос равишда харажатларининг ошиши кузатилмокда. Шунга қарамай Низом талабларига биноан 2009 йилга нисбатан харажатлар реал ўсиш суръатлари 1% атрофидагилигини кўришимиз мумкин.

Фикримиз, олий таълим тизимини молиявий томондан такомиллаштириш учун бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланиш, маблағларни тежаш ва мақсадли фойдаланиш тизимни молиялаштиришнинг хорижий тажрибаларини татбиқ этиш, тизимни молиялаштиришда тадбиркорлик маблағларини жалб этиш самарадорлигини ошириш, тизимни молиялаштиришда молиявий-иқтисодий фаолият барқарорлигини таъминлаш, ҳомийлар маблағларини кенгроқ жалб қилиш, васийлар кенгаши фаолияти самарасини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва бошқа зарурий тадбирларни амалга ошириш лозим. Шу билан бирга ОТМлари ўртасида, шу билан бирга талабалар ўртасида ҳам рақобат муҳитини яратиш яхши натижалар бериши мумкин.

ОТМларда умумий қилиб айтганда, харажатларини режалаштиришда эркинлигини таъминлаш, яъни зарурий ҳолларда қарз маблағлари жалб қилиш унинг сарфи ва назорати ҳамда жавобгарлиги ОТМнинг зиммасидаги вазифага киритилиб белгиланган тартибда ваколатлар бериш билан мустақиллигини таъминлаш орқали харажатлар самарадорлигига эришиш ва даромадлар давомийлигини таъминлаш мумкин.

Жорий этилган молиялаштиришнинг янги тизими, бир томондан, давлат ва иккинчи томондан, ОТМ маъмурияти ва ўқитувчилар ўртасида муносабатларнинг кескинлашувига олиб келмоқда. Давлат институционал самарадорликни, жамиятнинг кадрларга бўлган талабини қондириш даражасини, битирувчиларнинг ишга жойлашувини ва ресурсларнинг сарфланишини ўлчайдиган кўрсаткичларга устуворлик бермоқда. Ўз навбатида, университетлар маъмурияти ва ўқитувчилар ўз тажрибаларининг хусусиятларини ҳамда конкрет ОТМнинг миссиясини ақс эттирадиган баҳолаш методларини қўллаб-қувватлашмоқда;

Шу билан бирга, давлат ва ОТМ ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўзгармоқда, ОТМ молиявий ва иқтисодий қарорларни қабул қилишга жалб қилинмоқда. Бу жуда катта ўзгариш ҳисобланади. Айрим ОТМ ўз дастур ва бюджетларини назорат қилишда катта ҳуқуқларни бериб, давлат бир вақтнинг ўзида иқтисодий самарадорликни, кадрлар тайёрлаш сифатини, ўқитишнинг оммавийлик даражасини ва ОТМ раҳбариятининг жавобгарлигини ошириш мақсадида олий таълим тизимига тўғридан тўғри аралаштириш ҳуқуқини ўзига сақлаб қолмоқда.

Юқоридагида келтирилган хулосалардан келиб чиқиб куйидаги таклифларни амалга қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. ОТМларига ўз смета харажатларини тақсимлаш ва ишлатиш бўйича кенг имконият ва ҳуқуқлар бериш лозим. Бунда молия органлари тамонидан фақат умумий харажатлар икки гуруҳга бўлинган ҳолда, яъни

жорий ва бошқа харажатлар таснифи асосида режалаштиришни ташкил қилиш керак.

2. ОТМларини молиялаштиришда, уларнинг харажатларини узоқ муддатли сармоя сифатида баҳолаган ҳолда 3 йиллик манзилли дастурга асосан режалаштириб молиялаштиришни амалга жорий қилиш керак. Бунда ОТМларининг харажатларни амалга ошириш давомида уларнинг самарадорлигини ошириш, манзилли дастурни бажарилиши ҳамда унинг самарадорлигини ҳам баҳолаб бориш лозим.

3. ОТМларини молиялаштиришда уларнинг фаолиятини баҳолаш асосида амалага ошириш. Индикаторни ҳисоблашда ОТМларда талабаларнинг таълим олиш сифати ва уларнинг илмий ишларининг ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиниши оқибатида иқтисодиётга бераётган ижобий самарадорлиги, ОТМларни битираётган кадрларнинг сифати орқали аниқлаш мақсадга мувофиқ.

4. Олий таълим тизимида бюджет грантлари асосида талабалар квотасини белгилаш билан бир қаторда, контракт тўловлари асосидаги талабалар квотасини чекламаслик. Бунинг натижасида аҳолининг олий таълимга бўлган талаби қондирилади ва шу билан бирга ОТМларда маблағларнинг кўпайиши ўз харажатларини қоплаш даражаси ошади.

5. Аввалги таклифга қўшимча сифатида, давлат грантлари асосида кирган талабанинг яхши билим олишга бўлган қизиқишини орттириш ҳамда давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўқишга кирган талабалар ўртасида рақобат муҳитини яратиш мақсадида энг кам рейтинг баҳога эга бўлган давлат грантлари асосида ўқувчи талабаларнинг 10%и мос равишда энг яхши рейтинг баҳосига эга тўлов-контракт асосида ўқувчи талаба билан ўқиш шартларини алмаштириши ва давлат грантлари асосида ўқишга кирган талабани тўлов-контракт асосида ўқишга ўтказиш тартибини жорий қилиш керак.

6. Юқоридаги иккита таклифга қўшимча сифатида, олий таълим тизимида таҳсил олаётган кадрларни яхши билим олиши ҳамда

маблағларни тежалашини таъминлаш мақсадида ОТМларда таҳсил олаётган талабаларнинг рейтинг балларини инобатга олган ҳолда умумий ҳисобда 1 академик йил давомида фақат 3 баҳога ўқийдиган талабаларга ўзлаштириш даражаси яхшиланмагунча стипендия беришни тўхтатилса, юқорида таъкидлаганимиздек ҳар тарафлама сифат ва тежамкорликка эришилади.

7. ОТМларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида ва бир профилдаги олий таълим муассасалари ўртасидаги рақобатни кучайтириш, ҳамда талабаларнинг ўқишга ажратаётган даврини кадрига етишини таъминлаш мақсадида Норвегиядаги олий таълим муассасаларини молиялаштириш тартибини жорий этиш.

Келитирилган хулоса ва таклифлар олий таълим муассасаларини харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш, уларга ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш, талабаларнинг ўқишга қизишини рағбатлантириш, улар ўртасида рақобат муҳитини шакллантиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги 464-И қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси 2000 йил 14 декабрдаги “Бюджет тизими тўғрисида”ги 158- II қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоралари тўғрисида”ги ПП-1533-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги “Давлат харидлари тизимини оптималлаштириш ва унга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида”ги ПП-1475-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-926-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлан-тириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-594-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-436-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436 сонли «Фан ва технологиялар ривожланишининг

мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

10.Каримов.И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015 й. – 40 бет.

11.Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амага ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015 й. – 72 бет.

12.Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.: Халқ сўзи газетаси 2014 йил.

13.Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Тошкент: - “Ўзбекистон”, 2013. - 64 б.

14.Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – 36 б.

15.Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 48 б.

16.Каримов И.А. «Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» –Тошкент: «Ўзбекистон», 2010.

17.Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. 5-32б.

18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни баратараф этишнинг йуллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон- 2009.

19. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тугрисида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

20. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. –Тошкент. Ўзбекистон, 2011.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

23. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 августдаги “Республиканинг олий таълим муассасаларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 178-сонли қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сонли қарори.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 августдаги “Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 169-сонли қарори.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли қарори.

28. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 20 августдаги “Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 67- ва 329-сонли қарори.

29. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 20 августдаги 67- ва 329-сонли қарори билан тасдиқланган “Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида низом”.

30. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 28 майдаги “2008 ва 2009 йилларда олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларни ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 60-, 152-1-сонли қарори.

31. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 28 майдаги 60-, 152-1-сонли қарори билан тасдиқланган “2008 ва 2009 йилларда олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет ссудаларни ажратиш тартиби тўғрисидаги низом”.

32. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 6 майдаги “Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 39-сонли буйруғи.

33. Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 26 февралда 2431 сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2013 йил 28 декабрдаги “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан

тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги 508 сонли буйруғи.

34. “Жаҳон олий мактаби: қиёсий таҳлил.” Юсуф Абдуллаев. Гофур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Тошкент -2001.

35. “Высшее образование за рубежом» 1994-1995 информационно аналитический справочник.

36. Статистический сборник «Россия в цифрах» Образовательные учреждения высшего профессионального образования. Рос.стат, 2011.

37. Исследовательские университеты США: механизм интеграции науки и образования / под ред. проф. В.Б. Супяна. М.:Магистр, 2010.

38. Запольская В.В. Непроизводственная сфера в СССР/В.В.Запольская – Воронеж: ВГУ, 1996.

39. Капустин.Е.И. Сфера обслуживания при социализме/Е.И.Капустин-М.: «Мысль», 1968.

40. Капалюшников Р.И. Российский рынок труда: адаптация без реструктуризации/-М.:ГУВШЭ,2001.

41. Рутгайзер В.М.Ресурсы развития непроизводственной сферы/В.М.Рутгайзер-М., «Мысль»,1975.

42. ПравдинД.И. Развитие непроизводственной сферы при социализме/-М., «Экономика»,1976.

43. Л.С.,Сергеева Г.П. Трудовой потенциал страны/-М.,1982.

44.Чижова., ШаршовИ.С. Воспроизводство трудовых ресурсов при социализме/- Воронеж:ВГУ,1986 .

45. Дис. на соис уч. степ.д.э.н. Кострома – 2003.

46. А. Вахабов, Э. Имамов Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации. М. 2007.

47. Кальметов Б.Д. Образовательный комплекс в рыночной экономике.- Тошкент: Адолат, 2003.

48. Саидов М.Х. Экономика, инвестиции и маркетинг высшего образования.-Т. Молия, 2002.

49. Курбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Национальная модель и программа по подготовке кадров – достижение и результат независимости Узбекистана. – Т.: Маърифат – мадаккор. 2003.

50. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. Тошкент – 2007/2008.

51. Семеко Г. В. Фонды целевого капитала в образовании: зарубежный опыт Экономика образования (Современный гуманитарный университет). – 2011. - № 5.

52. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – Тошкент, 1997. – № 9.

53. Джонстоун Д.Б. Сокращение финансирования высшего образования: стимулы и ограничения диверсификации доходов // Университетское управление: практика и анализ. 2002. №2.

54. Стром Г.А. Национальная система финансирования вузов Норвегии // Университетское управление: практика и анализ. 2000. №4.

55. Ройтер В. Финансирование образования: Международные модели, пути, опыт и мышление// Университетское управление: практика и анализ. 2000. №4.

56. Дронишинец Н.П. Проблемы управления системой высшего образования в Японии// Университетское управление: практика и анализ. 2002. №1.

57. Джонстоун Д.Б. Сокращение финансирования высшего образования: стимулы и ограничения диверсификации доходов // Университетское управление: практика и анализ. 2002. №2.

58. Кадочников С.М. Особенности высшего образования как экономического блага и некоторые практические следствия этих особенностей // Университетское управление: практика и анализ. 2001. №2.

59. Курбатова М.В. Проблемы становления системы частного инвестирования в высшее профессиональное образование // Университетское управление: практика и анализ. 2003. №3.

60. Морган Э.В. Диверсификация источников финансирования в системе высшего образования: сравнительный обзор // Университетское управление: практика и анализ. 2004. №2.

61. Евдокимова Я.Ш., Князев Е.А. Информационные ресурсы в стратегическом менеджменте Университетское управление: практика и анализ. 2011. № 2.

62. Рубин Ю.Б. Рынок образовательных услуг: от качества к конкурентноспособным бизнес-моделям // Высшее образование в России. 2011. №3.

63. Ломакина Т.Ю. Современный принцип развития непрерывного образования. М.: Наука, 2006.

64. Хамидов Б. «Проблемы оценки общей производительности факторов для Узбекистана». Материалы Всероссийской конференции «Моделирование в задачах городской и региональной экономики», Санкт-Петербург.

65. Ломакина Т.Ю. Современный принцип развития непрерывного образования. М.: Наука, 2006.

66. Нурымбетов, Бошқариш самарадорлигини баҳолаш. Жамият ва бошқарув, 2010 йил 4-сон.

67. “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, март, 2012.

68. Чистяков Ю.Р. Формирование интеллектуального капитала в современной экономике России :дис.... канд. экон. наук: 08.00.01 / Чистяков Юрий Ростиславович; [Место защиты: Воен. ун-т]. – Москва, 2007.

69. Сергеев И., Кирсанова Н., Кирсанова И. Социальная сфера: приоритеты регулирования // Экономист. – 2007. – №1.

70. Усмонова Р.М. Таълим хизматлари бозорида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш (олий таълим мисолида) И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати.- Т.: 2011.

71. Касимова Г. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлатиришда бюджет сиёсатининг роли: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати.-Т.: 2001.

72. Кучаров А.С. Тадбиркорлик соҳаси учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашда бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини такомиллаштириш-И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати.-Т.: 2006.

73. Набиев Д.Х. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари (Ўзбекистон ўрта-махсус, касб- хунар тизими мисолида) И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати.-Т., 2005.

74. Алимджанов Х.Г. Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва уни молиявий жиҳатдан таъминлаш масалалари: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган ...дис. автореферати -Т.:, 2004.

75. Ахунова Г.Н. Таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва уни такомиллаштириш: И.ф.д.илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати -Т.: 2004.

76. “ Халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари” Тошкент 2012 й. Автореферат.

77. “Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон материаллари асосида)” Тошкент 2012 й. Автореферат.

78. “Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш” Тошкент 2012 й. Автореферат.

79. Носков В.А. Высшая школа в системе общественного воспроизводства. Автореферат.

80. Рощина Я.М. Дифференциация доходов и образования в России. – <http://vo.hse.ru/attachment.aspx>.

81. Российский статистический ежегодник 2010. – <http://www.gks.ru>.
<http://www.oecd.org/pisa>

82. Corruption Perceptions Index — ежегодный рейтинг государств мира, отражающий оценку уровня развития госинститутов по 10 бальной шкале.
<http://www.transparency.org>.

83. Федеральная служба Государственной статистики, Эл. ресурс,
www.gks.ru.

84. Международная экономическая статистика, Эл. ресурс,
www.statinfo.biz.

85. Интернет сайтлари

www.edu.ru

www.edu.uz

www.gov.uz

www.mfa.uz

www.mf.uz

www.cer.uz

www.eduworld.ru

www.businessvoc.ru

www.arxiv.uz

www.cbu.uz

www.google.ru

www.ya.ru

www.5ballov.uz

www.ref.uz

www.поиск.uz

www.tradeeconomics.ru

www.lex.uz

www.stat.uz